

БОЛА ПАРВАРИШЛАШ,
НАФАҚАСИ КИМЛАРГА
ВА ҚАНДАЙ
БЕРИЛАДИ?



САЁХАТ ҚИЛИНГ,
ЗИЁРАТ ҚИЛИНГ,
ДАМ ОЛИНГ!



“ОТАЛАР ЧОЙХОНАСИ” НЕГА
КАМ?



№ 7

2021-yil, 17-fevral
Chorshanba (32.649)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

O'zbekiston O'VOZI

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўз фаолиятларининг асосий йўналишларини белгилаб олишмоқда.



Кизилгул ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП
фракцияси
аъзоси:

— Аҳоли соғлигини муҳофаза қилмасдан туриб, бошқа соҳа ва тармоқларда олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақиятини таъминлаб бўлмаслигини барчамиз яхши биламиз. Соғлом инсонгина жамиятдаги яратиш, бунёдкорлик ишларига дахлдорлик билан яшайди, катта-катта ишларга қодир бўлади. Жорий йилги Давлат дастурида буларга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини такомиллаштирилади. Яъни, бирламчи бўғини умумий амалиёт шифокори ўрнига оилавий шифокор ва унга 5 нафар ёрдамчи ҳамширадан иборат тиббий бригадалар ташкил этилади. Шу орқали мутахассислар ҳар бир оиллага кириб боради, ҳар бир фуқаронинг соғлиғи қатъий назорат қилинади.

Ўйлайманки, Давлат дастурининг ўз вақтида ижроси таъминланиши юртимиз тиббиётини янги даражага кўтарди. Тизимдаги ислохотлар аҳолининг ҳаётдан розилиғи, эл-юртимиз тараққиётига хизмат қилади.



Муқаддас
ЎРАЗАЛИЕВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП
фракцияси
аъзоси:

— Бугунги кунда аҳоли орасида ўткир буйрак етишмовчилиғи билан касалланиш ҳолати кўп кузатишмоқда. Шошилич диализга эҳтижманд беморлар орасида болалар борлиғи эса ҳеч биримизни безътибор қолдирмайди. Жорий йилги Давлат дастурида гемодиализга муҳтож беморларнинг йиллик 20 фоизга ўсишини ҳисобга олган ҳолда, 5 мингдан ортиқ хастага хизмат кўрсатилиши кутилмоқда.

Тўғри, юқоридаги каби муаммолар даволашнинг замонавий инфратузилмасини ташкил этиш зарурати тугдирати. Режа бўйича жорий йилда 100 та суъий буйрак аппарати, 33 та сув тозалаш мосламаси, 44 та миксер, 665 280 та диализатор тўплами ва унга мос равишда бошқа зарур воситалар харид қилиши назарда тутилди. Шунингдек, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида буйрак трансплантацияси амалиётини ўтказишни йўлга қўйиш режалаштирилди.

Бу рақамлар шуни аниқлатадики, шунча инсоннинг оғриги энгил бўлади, ҳаётга қайтади ва жамиятнинг фаол аъзосига айланади. Эҳтижманд кишиларга ёрдам кўрсатиш орқали электротимиз вакилларига ижтимоий ғамият кўрсатилади. Зотан, келажимиз эгалари бўлган болаларни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шу нуқтага назардан йўналтирилган маблағлар тўғри сарфланишига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

ИНСОН РЕСУРСЛАРИ: МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР



Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори, профессор,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги сиёсати бугун нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам халқаро экспертлар томонидан эътибор этилмоқда. Буни Самарқанд давлат университетида “Инсон ресурслари: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар” мавзусида ўтказилган халқаро анжуман иштирокчилари ҳам тасдиқлашди. Ўзбекистонда бугун инсон ресурсларини тадқиқ этиш бора-сида ҳам катта таъриба тўпланди. Навбатдаги вазифа инсон ресурсларини фан, илм даражасига чиқариш, бу борада хориж таърибасини ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборатдир.

Давами 4-бетда. ►

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН ТАБАРРУК МАСКАНГА ТАШРИФ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи томонидан “Мустақиллик йилларида диний эркинлик ва бағрикенглик” мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Ислום цивилизацияси марказида ташкил этилган тадбир аввалида иштирокчилар Ҳазрати Имом мажмуасида барпо этилаётган Ўзбекистон Ислום цивилизацияси марказининг кўкка бўй чўзаётган янги биносидеги қурилиш жараёни билан атофлича танишди. Мазкур бино ўзининг эзгу мақсад-муддаоси, маҳобати, салобати билан кўпчилиқнинг эътиборини ўзига жалб этаётгани билан диққатга сазовордир.

Ўзбекистон Ислום цивилизацияси маркази директори ўринбосари Фирдавс Ҳалимов, мазкур марказ бўлим бошлиғи Абдуазиз Тўраҳужаев, Наврўз Ризаев мамлакатимизда истиқлол йилларида дину диёнати асраб-авайлаш, фуқароларнинг диний эътиқодлари учун зарур барча шароитларни яратиш, муътабар қадамжоларни обод этиш, Ислום динининг тинчликпарвар, инсонпарвар ғояларини тарғиб этиш, ўрганиш масаласига катта эътибор қаратилётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Ислום цивилизацияси маркази аллома боболаримизнинг бой маънавий-илмий меросини ўрганиш ва уни юртимиз, халқаро миқёсда оммалаштириш юзасидан самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган қисқа фурсат мобайнида мазкур марказ кўплаб қимматли қўлёзмалар, қадимий манбаларни ўрганиш, таҳлил этиш, уларнинг маъно-мазмунини кенг жамоатчиликка етказиш юзасидан тизимли ишлар олиб бормоқда. Марказнинг бевоСИТА ташаббуси билан миллий меросимиз, маънавиятимиз, тарихимизга оид янги китоблар нашр этилмоқда. Илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Президентимиз таклифи ва тавсияси асосида Ҳазрати Имом мажмуасида барпо этилаётган ғоят маҳобатли, мухташам, гўзал бино – Ўзбекистон Ислום цивилизациясининг янги биносига ҳозирданқо кўпчилиқ хайрат ва ҳавас билан қарамоқда. Зеро, қурилиш майдонига қадам қўйганингизнинг ўзидаёқ қандайдир илоҳий, қалбга маънавий қувват берувчи куч сезини қамраб олиши табиий.

Каттаю кичикни бирдек ислוםнинг маърифат нуридан баҳраманд этишга мўлжалланган ушбу бино 7 гектарлик майдонда барпо этилмоқда. Уч қаватли ушбу ғоят мухташам бино Марказий Осиёда ягона ва ўзига хос тарздаги бетакрор маърифат маскани бўлиши кутилмоқда. Бинода кутубхона, Қуръон зали, анжуманлар учун мўлжалланган мухташам Конгресслар зали, Ислום динидан аввалги даврда Марказий Осиё, Ислום динининг заминимизда ёйилиши, алломаларимиз фаолияти, илм-фан, таълим, шахарсозлик ва меъморчилик, санъат ва унарманчилик, ибратли анъаналар, Учинчи Ренессанс даврида Ўзбекистон каби йўналишлардаги музей экспозицияси, қадимий қўлёзма манбаларнинг реставрациясига оид лаборатория, китоб фонди, Халқаро ислום академиясининг юқори курс талабалари таҳлили учун махсус ўқув заллари, илмий фаолият билан шуғулланиш учун кенг ва замонавий рақамли имкониятларга эга хоналарни ўзига қамраши билан аҳамиятли бўлади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.



Таҳририятимизнинг жорий йилги лойиҳаси бўйича навбатдаги “Сиртқи қабул”ни Ички ишлар вазири Пўлат Раззоқович Бобожонов билан ўтказишга қарор қилинди. Таклифимизни қўллаб-қувватлагани учун Пўлат Раззоқовичга миннатдорлик билдирдимиз.

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИГА ҚАНДАЙ САВОЛИНГИЗ БОР?

Марҳамат, 1 мартгача саволларингизни таҳририятимизга юборишингиз мумкин

Маълумки, бугун Ички ишлар вазирилик тизимига кенг қўламли қатъий ислохотлар олиб боришмоқда, тизимнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда. Ички ишлар ходимлари техник таъминоти, ижтимоий ҳимояси кучайтирилмоқда.

Яқинда Президентимиз Ички ишлар вазириликга таширфи ва вазирлик ҳайъати йиғилишида қатнашиб, билдирган фикрлари, белгилаб берган вазифалари, аввало, ҳалқимиз тинчлиғи ҳамда оёсийиштиликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, ички ишлар тизимдаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқади.

Бугун ички ишлар ходимлари таркибини интеллектуал салоҳиятли,

профессионал кадрлар билан тўлдирмоқда алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ички ишлар ходимлари чин маънода эл-юрт осойиштиликни посбонларига айлантирилмоқда.

Ўтган йили коронавирус пандемияси карантинни даврида ички ишлар ходимлари ҳарбийлар ва тиббиёт ходимлари билан баб-баровар туну кун ҳаловат билмай хизмат қилиши, кўплаб жиноятларнинг олди олинди. Жиноятчиликка қарши курашда ҳаётини хавф-хатарга қўйиб, жасорат кўрсатаётганлар оз эмас, керак бўлганда жонини фидо қилаётганлар ҳам борлигини биламиз.

Бироқ ўз вазифасига совуққонлик билан қараётган,

фуқаропар аризаларига етарли эътибор бермаётганлар учраётганлигини инкор этиб бўлмайди. Ёки Ички ишлар ходимлари орасида ҳам адолатсизликка учраганлар бўлиши мумкин.

Ушбу “Сиртқи қабул”ни ўтказишдан мақсад, аввало, фуқароларнинг дардини, саволини Ички ишлар вазирига етказиш. Иккинчидан, ички ишлар тизими фаолиятини янада такомиллаштириш, мамлакатимизда тинчлик-осойиштиликни сақлаш, мустаҳкамлаш бўйича жамоатчилик таклифларини билди.

Оддий қилиб айтганда, вазирига айтадиган қандай гапингиз, саволингиз ва

таклифларингиз бор? Сизлардан келган мувожабатларни тўплаб, Ички ишлар вазирига топширамиз ва олинган жавобларни газетамизда чоп этамиз.

Савол ва таклифлар лўнда ва аник бўлишини илтимос қиламиз. Ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот беришни, яшаш жойингиз ва телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг.

Бизнинг манзил: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси – 32-уй.
Телефонлар: 71-233-81-97
71-233-12-56
факс: 71-233-65-45
E mail: info@uzbekistonovozi.uz



СИРТҚИ ҚАБУЛ
СОАТЛАРИ

МУРОЖААТНОМА

Олий Мажлис палаталари ҳар йили Омбудсманнинг қийноқларнинг олдини олиш бўйича маърузасини эшитиб, бу иллатга бутунлай барҳам бериш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаши лозим.

МУНОСАБАТ

КЕЧАГИ АНДОЗА БИЛАН ЭРТАНГИ ЙЎЛ ҚУРИЛМАЙДИ



Зулайхо АКРАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҲўХДП фракцияси аъзоси.

МУАММО БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Утган йил Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислох қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармон юртимиз ёшлари ҳаётини тубдан ўзгартиришга хизмат қилувчи тарихий ҳужжат, деган тугал фикр учун асослар етарли. Умуман олганда, ёшларга бўлган эътибор тизимли равишда тадрижий ривожланиб келмоқда.

Давлат раҳбари раислигида 2021 йил 27 январь куни ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокама юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши бу йўналишдаги изчилликнинг муҳим бўғини, бошқача айтганда, кульминацияси бўлди.

Ҳар қандай сиёсий ёндашувдан холи, реал вазият, аччиқ бўлса-да, аниқ рақамлар, айни пайтдаги ҳолат ва муаммолар, уларнинг ечимлари хусусида очик-ойдин муҳокама бўлиб ўтди. Янги Ўзбекистондаги ёшларга оид янги сиёсат самардорлиги танқидий таҳлил қилинди, аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Бир нарсани очик тан олишимиз керак. Биз кўп йиллар мобайнида бу йўналишда ҳақиқий ҳолатни "тан олмай келдик". Оқибатда, ўзимизда ишичи ўрни яратиб, ёшларни иш билан таъминлаш, хориждагиларни қайтариш, истеъдодлиларга реал имконият бериш масаласи парда ортида қолаверди. Натига эса, аччиқ: бугун ёшларга иш керак. Зотан, бахтнинг боши ҳам, фаровонлик

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаганининг илк кунлариданоқ ёшлар масаласи ўз сиёсатининг муҳим йўналиши бўлишини қатор ташаббус ва ислохотлари орқали амалда исботлаб келмоқда. 2016 йил 14 сентябрда "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун қабул қилингани бунинг яққол далилидир. 2017 йил 19 сентябрь куни Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида дунё раҳбарлари эътиборини ёшларга қаратиб, терроризм ва бошқа иллатлардан уларни ҳимоялаш, ҳаёти, эртанги кунни янада фаровон бўлишида амалда бўлган эътибор ҳал

асоси ҳам меҳнатда. Бу ҳаёт ҳақиқати.

Ўтказилган видеоселектор йиғилишида ана шу аччиқ ҳақиқат иш столининг остидан стол устига олиб чиқилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 26 минг ёш ишсиз бўлган ҳолатда, 77 мингта вакант борлиги, шундан 45 мингтасига олий маълумот талаб этилмагани, масалага тизимли ёндашув кечиктириб бўлмас вазифа эканини яққол кўрсатиб турибди.

Давлатимиз раҳбари ёшларни касбга ўқитиш орқали малака тоифасини бериб, уларни шундай вакант ўринларга жойлаштириш тақлифи билан масала ечимини ҳам кўрсатиб берди.

Тегишли вазирлик ва идоралар олдига ҳам аниқ вазифалар қўйилди. Хусусан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига "Ишга марҳамат" мономарказларида, шунингдек, қатор олий таълим муассасалари ва йирик sanoat тармоқларида малакани баҳолаш марказлари ташкил этиш вазифаси қўйилди. Эътиборлиси, фақатгина шу механизмни тўғри ишлатиш орқали йил давомида 30 минг йигит-қизга малака сертификати бериб, уларнинг бандлигини таъминлаш мумкин бўлиши кўрсатиб ўтилди.

Юртимиз бой ўтмиши, жаннатмакон замини, саҳий қўёши билан тилларда дoston. Бу гапларни ҳар биримиз кўп марталаб эшитганмиз. Лекин баъзи соҳаларда, айниқса, бандлик соҳасида юқорида санаб ўтилган имкониятларга етарли баҳо бера олмаепмиз. Зотан, саҳий замин бағридан чўп суяиб ҳам ҳосил олиш мумкин бўлган жойда яшаб туриб, шу каби имкониятларни тўлақонли ишга сола билмаётганимиз каби ҳолатлар ҳам ишсиз ёшлар сонига намоён бўлмоқда.

қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган эди.

Бугунги кундаги асосий вазифа – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, ўзбекистонга "вируси" тарқалишининг олдини олишга эътибор қаратилди. Ушбу тарихий чиқишда илк бор мустақил Ўзбекистон раҳбари сифатида ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозимлиги қайд этилди. БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш тақлифи ўртага ташланди ва ўтган давр мобайнида бу тақлиф амалга ошди.

Давлат раҳбари бандликни таъминлашда энг катта заҳиралардан бири деҳқончилик қилиш учун ер ажратиш эканига жамоатчилик эътиборини қаратди. Утган йилнинг ўзиданоқ бу борада мурожаат қилган 14 минг нафар ёшдан атиги 3 мингига ер берилганини таъкидлади ва бу борада ҳам қатор самарали тақлиф ва механизмларни ўртага ташлади.

Хусусан, эндиликда Бош вазир ўринбосари жойларда ҳар 10 гектар экин еридан 1 гектарини ёшларга деҳқончилик учун ажратиш тартибининг жорий эътибори. Албатта, заҳира ерлари ҳам эътибордан четда қолмади. Эндиликда қудуқлар қазилиб, бундай ерлар ҳам ёшларга фойдаланиш учун берилди. Асрлар оша деҳқончиликдан ривқини олиб келган бободоҳқонлар авлодлари бу имкониятдан самарали фойдаланиб, ўзи ҳамда oilаси тақдирини ўзгартириши ўз кўллариданоқ. Фақатгина бироз ҳафсала, яхши ниёт ва ишонч керак.

Томорқада лимончилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларчилик қилиш бўйича ҳам тегишли топшириқлар берилди. Бу фаолият турларининг ҳеч бири сармоясиз қутилган самара бериши табиий. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу йўналишдаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун кредитлар ажратиш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади.

ТАНГАННИНГ ИККИНЧИ ТАРАФИ

Имкон интихосиз имтиёз эмас.

Уни, аввало, тўғри ҳис этиш, ундан тинимсиз меҳнат орқали фойдаланиш, самарали натижалар кутиш ва қатъий ишонч билан олдинга интилиш лозим.

Бу эса инсон руҳияти, унинг тафаккури маҳсули, маънавият ва маърифат, таълим ва тарбия масаласидир.

Сўзимиз аввалида айтиб ўтганимиздек, вазият реал талқин қилинди ва ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласи кенг кўламли ўртага ташланди.

Албатта, белгилаган вазифалар ижроси маълум миқдорда маблағ талаб этади.

Шу боис жорий йилда бюджетдан ажратиладиган 150 млрд. сўмлик маблағ ана шу масалаларга молиявий ечимдир.

Шу ерда бир нозик жиҳатни алоҳида хатбошида айтиб кетмаслик адолатсизлик бўлади. Пандемия сабаб, мамлакат иқтисодий ҳолати учун асос бўлмаган бир шароитда бундай катта маблағнинг айнан ёшлар масалаларига йўналтирилишини тўғри баҳолаб билиш керак. Худди шу тушунчадан кўшар оғидидаги маъсулият ҳиссини ўшлатиш мумкин, назаримизда.

Демак, имконнинг туганмас имтиёз эмаслигини ҳис этиш учун ёшларнинг маънавий олами, дунёқароши ҳам шунга яраша бўлиши лозим. Қўйилган вазифалар ижроси ана шу нозик масалага ечим бўлади.

Инсон борки, муайян йўналишга табиий иқтидори бор. Фақат уни ўз вақтида пайқаш ва қўллаб-қувватлаш зарур. Бу эса, чекка ҳудудлардаги мактабларда намунавий тўғараклар ташкил этиш, ёшларни аждоқларимизнинг бой маданий мероси билан якндан таништириш, улар ўртасида ички туризмни ривожлантиришга боғлиқ вазифалар ижроси билан ўз ечимини топади.

Руҳ ва тан саломатлиги уйғун бўлса, инсон қимликка эришади. Соғлиқ бебаҳо бойлик эканини ортда қолган йил бутун инсониятга кўрсатиб берди. Кучли жисмоний тайёргарлик,

меҳнат қилиш инсонда турли хасталиқларга табиий иммунитетни шакллантиради. Демак, жорий йилда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиб, спорт билан шугулланувчи аҳоли сонини 25 фоизга, ёшлар қамровини 20 фоизга етказиш мақсад қилингани ҳам беҳиз эмас. Шу мақсадда болалар боғчаси ва мактабларни спорт анжомлари билан жиҳозлаш учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилган. Ушбу маблағлар ҳисобидан мактабларда 20 мингта спорт тўғараги ташкил этилади, спорт федерациялари, халқаро мусобақалар болиблари мактабларга бириктирилиб ёшларни қобилиятига қараб профессионал спортга жалб қилиш чоралари кўрилади.

ЯНА НИМАЛАР ҚИЛИШ ЛОЗИМ?

Бир сўз билан айтганда, видеоселектор йиғилишини кузатиб, қатор ҳулосалар қилиш ва энг муҳими, фақатгина тегишли вазирлик, ташкилот ва идоралар эмас, балки ҳар бир юртодшимиз ўзига "Мен ҳам жамиятга фойдаси тегадиган нимадир иш қилишим мумкинми?" деган саволни бериши лозим. Бинобарин, ёшлар масаласи бу миқдорда масаласидир. Оилада эса оила аъзоларининг эртанги кунни масаласидир. Шундай экан, қўйилган мақсад ва марраларга етишда ҳар кимнинг ўз ҳиссаси бўлиши лозим.

Биринчидан, оилада бола билан мулоқот қилиш, унинг ички кечинмалари, қизиқиши, интилиши ва ҳаракатини тўғри баҳолай олиш лозим. Иккинчидан, оила, маҳалла, боғча ва мактаб бирлиги жуда муҳим масалаки, бунда ҳар бир ёш уларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси билан ўз алоқаларини мунтазам сақлашига эришиш керак бўлади. Токи қозилса суйадиган, адашса тўғри йўлга соладиган, сўраганинда жавоб берадиган таянчи бор. Ёшлар оғидида давлат қудрати айнан шу институтлар тинимсиз раҳбарлигида.

Учинчидан, устоз ва ота-она мулоқоти. Тан олиш лозимки, кўп ҳолларда жамиятда ўз ўрнини топшишда ёшларнинг билим ёки касб-хунарга интилиши жуда муҳим. Ҳаммининг иқтидори эса ҳар хил. Шу боис, устоз ва ота-она мулоқоти ана шу кўникмани кашф этиш ва тарбиялашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, ва энг асосийси, берилган топшириқлар ижросига ўзбекиона қилиб айтганда, "қўллаш ёндашиш". Яъни, худди соат механизми каби ҳар қим ўз вазифасини ўз вақтида сиккидидан бажариши талаб этилади. Бошқа йўл ҳам йўқ аслида. Зеро, бизнинг бугунги кун ёшлари тарбиясига бўлган ёндашувимиз жондан азиз фарзандларимиз, набираларимизнинг эртанги ҳаётидир.

Эртанинг талаби ҳам аввалгиларга ўхшамайди. Янги технологиялар ҳукмрон бўладиган замона кириб бўлдиқ. Энди фарзандларимизни кечаги қолллар билан IT мутахассиси қила олмаймиз. Уларга замонавий қарашдан ўзга йўлнинг ўзи мавjud эмас.

Боз устига, ҳозирги ёшларнинг аксарияти замонавий технологияларга жуда қизиқади.

Шундан келиб чиқиб, ҳар бир туманда камдада биттадан мактабда IT-тўғараги очилса, яна 100 та рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этиб, 20 минг йигит-қизни дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳасида тадбиркорликка ўқитиш муҳимлиги қайд этилди.

Демак, ёшларни қўллаб-қувватлаш фақат сўзда эмас, амалда бўлган даврнинг янги босқичига кирдиқ. Энди орқага йўл йўқ.

Давлат дастури: sanoat, транспорт, қурилиш ва савдо соҳалари янада ривожланади



Анвархон ТЕМИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҲўХДП фракцияси аъзоси.

— Халқ билан бамаслаҳат, улардан тушган тақлифлар асосида 274 банддан иборат "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" Давлат дастури қабул қилинди. Унда давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, таълим сиёсат ва хавфсизлик йўналишлари бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Давлат дастурини амалга ошириш учун жами 29.5 трлн. сўм, 2,6 млрд. доллар ва 57.5 млн. евро йўналтирилиши назарда тутилган. Давлат дастурининг ҳар бир бандига синчиклаб эътибор берсак, жамиятдаги у ёки бу муаммо ечимини топишга, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани яққол кўринади.

Таъкидлаш жоиз, мазкур ҳужжат билан жорий йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари, стратегик мақсадлар белгилаб берилган. Яъни, мамлакатимизнинг замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш мақсад қилинган.

Мамлакатимизда sanoat, транспорт, қурилиш, савдо ва туризм соҳаларини янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Биргина sanoat соҳасини олабидан бўлсак, давлатимиз раҳбари

иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош sanoat заҳирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни қўллайтириш орқали эришишига алоҳида эътибор қаратди. Дастурда 2021 йилда 226 та йирик sanoat объектларини қуриш ва ишга тушириш орқали 223 млрд. сўм миқдорда инвестиция жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, "Навоий кон-металлургия" зоналарида sanoat корхоналарини ҳамда 11 та технопаркнинг ташкил этилиши келгусида 11 мингдан ортиқ анги иш ўринларини яратишга бевоусита хизмат қилади. Бу билан аҳолининг турмуш шароити янада яхшиланади.

Минтақа давлатларининг халқаро транспорт йўлақларига интеграциялашувини такомиллаштириш, транспорт тизимини рақамлаштириш бўйича илгор ахборот технологияларини жалб қилиш йўналишидаги камчилик ва муаммоларни умумий ҳаракатлар билан бир-галликда ечиш имкониятини яратди. Минтақада транспорт-логистика соҳасини умумий ривожлантириш бўйича минтақавий дастурлар, лойиҳалар ва стратегик аҳамиятга эга ҳужжатларни қабул қилиш, транспорт йўлақларини ривожлантириш ҳамда транспорт-логистика соҳасида ҳам катта ўзгаришлар бўлади.

Мамлакатимизда инфляциянинг олдини олишда sanoat корхоналарини қўллайтириш, бунинг учун 84 та туманда ишлаб чиқариш sanoati соҳасига 1,6 трлн. сўм маблағ йўналтирилган ҳолда логистика марказлари яратилмоқда. Жорий йилда Тошкент шаҳрининг ер усти йўлба ҳаракатланаётган метрополитен линияларини 12 километр масофaga узайтириш бўйича қурилиш ишларини якунлаш ва фойдаланишга топшириш муҳим аҳамият касб этади. Бу билан метрополитен хизмати яхлит тизимга солинади.

Мазкур фармонда белгиланган аниқ вазифалар амалга оширилиши, Давлат дастури ҳаётга жорий қилинишида фаол иштирок этиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ҳар бир депутат ўзининг масъуллигини англаши, шунга мос ҳаракатда бўлиши керак, деб ўйлайман.

Очиқлик, ошкоралик ва рақамлаштириш – коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади



Аваз ўРИНБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

— Коррупция — бу жамият ривожини учун энг катта тўсиқдир. Агар мазоийга назар ташласак, коррупциянинг илдирилари жуда олисга бориб тақалади. Инсоният унга қарши азалдан курашиб келади. Бироқ мазкур иллатдан батамом халос бўлишнинг усули ва йўли ҳозиргача топилмаган.

Шунга қарамай, иқтисодиётимизга тўсиқ бўлиб келаётган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар тизимли равишда олиб борилмоқда. Хусусан, Президентимиз фармонида Бино Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди ҳамда унинг оғидида турган вазифалар белгилаб берилди.

Жорий йилнинг 3 февраль куни Давлат дастури тўғрисида Президент фармони қабул қилинди. "Е-Антикоррупция" лойиҳасини амалга ошириш режа-лаштирилган. Мазкур лойиҳа доирасида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қиритилган коррупциявий омили-ларни барқарор этиш бўйича тақлифларни кўриб чиқиш, соҳа ва тармоқлар кесимида чуқур таҳлиллар, жамоатчилик сўровларини ўтказиш натижасида "Кору-рцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри"ни шакллантириш назарда тутилган. Унга қўра, ҳар бир коррупциявий омилни биринчи навбатда рақамлаштириш, очиклики таъминлаш, жамоатчилик назорати каби воситалар орқали барқарор этиш бўйича тақлиф-

ларни экспертлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасида кенг муҳокамадан ўтказилган ҳолда ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилди. Муҳими, мазкур масалада давлат органларининг вазифалари белгилаб берилди.

Давлат раҳбарининг юқоридаги ҳужжати билан икки ой мuddатда очик эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини кенгайтириш масаласи илгари сурилган. Жумладан, давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш ҳусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган тендер ва танлов комиссияларининг таркиби очик эълон қилинади. Шу билан бирга, давлат активларининг олди-сотида ва давлат-хусусий шериклик лойиҳалари жараёнларининг иштирокчилари, солиқ ҳамда бошқа имтиёз олувчилар каби маълумотларни баён қилиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилиши белгиланди.

Давлат дастурининг 7-бандида Давлат фуқаролик хизматида кадрларни танлаш, уларнинг малакасини ошириш ва фаолиятини баҳолаш бўйича самарали ва очик тизимни жорий қилиш белгиланган. 13-бандида эса очик эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини кенгайтириш масаласи ўрин олган. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиклиги концепциясини ишлаб чиқиш, ҳар йил якунлари бўйича давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг очиклик индексини аниқлаш амалиёти жорий этилади. Уларнинг веб-сайтларига жойлаштирилган ахборотни янгилаб бориш мuddатини қайта кўриб чиқиш назарда тутувчи мезърий-ҳуж-жат лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Фармон моҳиятан давлат органлари фаолияти очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш ҳамда рақамлаштиришга алоҳида ургу берилгани билан аҳамиятли. Бу орқали янги замонавий усуллари қўллаш ва чуқур таҳлилларга асосланган тизимни яратишга эришила-ди. Мазкур жараёнда биз, депутатлар белгиланган вазифалар ижроси сўзсиз таъминлашни учун зарур ҳуқуқий ме-ханизмларни яратишда ташаббус кўрсати-шимиз зарур. Давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилган таъсирчан парламент назоратини олиб бориш ҳам яхши самара беради, деб ўйлайман.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАРИ ИЖРОСИНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ АМАЛДА
Манба: ПФ-6166, 10.02.2021 й.
@huquqiyaxborot

"IJKRO.GOV.UZ" тизими орқали қонун ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилишнинг мулкчи янги тизимни жорий қилинади

- АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ** Қонун ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида ижро этилишининг "IJKRO.GOV.UZ" тизимида назоратини олиб боради ва тизимни юртидади
- ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ** Қонун ҳужжатлари ва топшириқлар масъул ижрочилар томонидан ўз вақтида ижро этилишининг "IJKRO.GOV.UZ" тизимида назоратини олиб боради
- ҲИСОБ ПАЛАТАСИ** Тизимда масъул ижрочилар томонидан кирди-чиқариш, Адлия вазирлиги ва Ҳукумат томонидан текширилган маълумотлар тулиқлиги ва ҳаққонийлигини текши-ради ҳамда уларни назоратдан ечади
- ПРЕЗИДЕНТ АДМИНИСТРАЦИЯСИ** Қонун ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради

Тизимга зарур маълумотларни ўз вақтида кирит-маслик еки нотўғри маълумотларни киритиш, бу борада Адлия вазирлиги курсатмаларини ўз вақтида еки лозим даражада бажармаслик

Интизомий, маъмурий ва бошқа жавобгарлик чораларини қўллаш учун асос бўлади.

2021 йил 1 апрелдан Республика даражасидаги барча давлат органлари ҳамда Қорақал-поғистон Республикаси Вазиранлр Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиқларининг ижро интизомига масъул бўлиналари раҳбар-ларнинг лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалалари мажбурий тартибда Президент Администрациясининг Ижро инти-зомини таъминлаш шў'баси билан КЕЛИШИЛАДИ.

2021 йил 1 майдан Барча давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ижрони назорат қилиш, назорат карто-текчаларини юритиш ва ҳисоботларни шакллантириш фақат "IJKRO.GOV.UZ" ТИЗИМИДА амалга оширилади

Қонун ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича йиллик маъилли ва тематик таҳлилий ўрганишлар дастури ишлаб чиқилади ва Президент Администрацияси раҳбари томонидан тасдиқланади.

МУРОЖААТНОМА

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича республика ва ҳудудий жамғармаларни лангиташкил этиладиган кенгашлар ихтиёрига ўтказиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайман.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

«ДЕПУТАТ ЁРДАМЧИСИ» ИНСТИТУТИ

ташкил этилади

Макур тақлиф Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ва партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг қўшма мажлисида кўриб чиқилди. Бу тақлиф маъқулланиб, қонунчиликда мустаҳкамланиши лозимлиги таъкидланди.

2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиздаги сиёсий партиялар раҳбарлари билан ўтказган очик мулоқотида билдирилган кенг қамровли тақлиф-тавсиялар, шунингдек, «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган долзарб вазифалар муҳофазатига бағишланган мажлисда депутатлар ҳамда партия фаоллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Видеоконференц-алоқа шаклида ташкил этилган йиғилишда ҳудудлардаги студиялардан партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари иштирок этиди.

Қўшма мажлисда Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Улугбек ИНОЯТОВ давлат ва жамият ҳаётига доир кенг қўламли ислоҳотлар самарадорлигини ошириш жараёнида партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаол иштирокчига айиланиши зарурлигини таъкидлади.

Партиянинг парламентадаги фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги 1600 нафарга яқин депутатдан иборат гуруҳлар фаолияти таъкидланди. Мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги дастурларни амалга ошириш, бандликка кўмаклашиш йўналишларида депутатлик корпусининг иштирокини кенгайтириш бўйича тақлифлар билдирилди.



Топилболди ХОЛДОРОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ҲХДП депутати:



Мақсуда ВОРИСОВА, Ўзбекистон ҲДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси:

— Партиянинг янги — «Депутат маҳаллада» лойиҳаси орқали «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»га киритилган фуқаролар билан секторлар кесимнда манзилли ишлаш, фаол депутатлар, профессор-навал тренерлар, психологлар, муваффақиятли тадбиркорлар иштирокида мотивацион тренинглар ҳамда «мастер класс»лар йўлга қўйилди.



Жавлон АБДУЛЛАЕВ, халқ депутатлари Косонсой туман Кенгашидаги ҲХДП депутати:

— Юқорида тўғри айтилди, депутатлик — ниятда маъсул ва вазифа. Бу маъсуллик ортида сайловчи ишончи турбди. Демак, одамларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлишимиз керак. Аслида, халқ хизматига бўлишимиз ўзи ҳам катта бахт-қу.

Ҳаммамиз ишимизда амалий натижа бўлишини, бирор-бир янгилик қилишни истаймиз. Айниқса, партия фаоллари ва депутатларнинг зимма-

лаётган экан. Биз ушбу оилани уй-жой билан таъминлаш масаласида мутахассисларни, сектор раҳбарларини ҳам жалб қилдик. Ҳаракатларимиз бесамав кетмади. Яқинда отахон оиласи билан барча қўлайлиқларга эга, жиҳозланган янги уйга кўчиб ўтди.

Ҳар бир депутат ҳар куни ўзига «Бугун депутат сифатида нима иш қилдим?», деган саволни бериши керак. Бунга жавоб топа олмадикми, демак, ишни ўзимиздан бошлашимиз керак. Аввало, ўзимизга ўзимиз ҳисоб беришимиз, шахсий жавобгарлигимизни оширишимиз, виждонимизни уйғотишимиз зарур. Эртага бизга овоз берган, депутат қилиб сайлаган одамлар орасига бошимизни балан кўтариб беришимиз учун ҳаракатни бугундан бошлашимиз лозим.

камаси учун масалалар тайёрланади. Барча даражадаги депутатлар корпусининг «туман-вилоят-марказ» тартибида ишлаш тизими жорий этилади.

Шунингдек, ҳозирги изчил ижтимоий сиёсатга мувофиқ тарзда партиянинг «Аёллар қаноти» ва «Ёшлар қаноти» тузилмалари фаолияти бутунлай қайта кўриб чиқилади, бунда ёшлар ва аёлларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ҳаётга таъбиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. «Аёллар қаноти» ва «Ёшлар қаноти»га фаол ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш бўйича партиянинг алоҳида дастури қабул қилинади.

Биз кўпроқ рақамларга тўхталиб, ютуқларимизни кўз-кўз қилишга одатланганмиз. Камчиликларимизни яширишга, муаммоларни ошкор қилмасликка уринамиз. Аслида бу хато қарадидир. Чунки касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, дейишади. Шундай экан, муаммони ҳал этишни йўли уни тўғри ва холис ўрганиш, кўпчилилик муҳофазатига асосда масалага ечим топишдан иборат. Шу мазмунда жорий этилаётган чора-тадбирларни амалга оширишга панжа ортидан қарамасдан, танамизга пухта ўйлаб кўришимиз зарур.

Мажлисида партиянинг электротариф манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ принципиал масалалардаги сиёсий фаолиятини кучайтириш бўйича ҳам муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Таъкидландики, жойларда бирламчи тиббий ёрдам, яъни кишлоқ оилавий поликлиника ва кишлоқ врачлик

пунктларида хизматлар сифатининг пастиги аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Ушбу соҳага оид қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг сифатли ижро этилмаётгани бунга асосий сабаб бўлмоқда. Шунинг учун партия бирламчи тиббий ёрдам сифати, айниқса, кам даромадли аҳолига малакали бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантириш устидан тизимли парламент ва депутатлик назоратини ўрнатади, бу йўналишда қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқади.

Олис кишлоқларда ҳам болаларнинг маданий ҳордиқ чиқариши, спорт, musiқа ва санъат билан шугулланиши учун шароит яратилмаган. Партия депутатлик тузилмалари олис кишлоқларда болалар учун мулкдорларнинг маданият муассасалари, спорт иншоотлари, «Баркамол авлод» марказлари, musiқа ва санъат, спорт мактаблари ҳолатини таққидий ўрганиб, макур соҳани ривожлантириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишни режалаштирди.

Меҳрибонлик уйларида чиққан ёшларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи бу йил партиянинг алоҳида эътиборида бўлди. Бундай ёшларни уй-жой билан таъминлаш бўйича Давлат дастурида кўзда тутилган маблағдан самарали фойдаланиш, бунинг механизмини ишлаб чиқиш бўйича партия фракцияси вазириликлар, депутатлик гуруҳлари эса маҳаллий ҳокимликлар билан маслаҳатлашувлар ўтказиб, амалий тақлифлар тайёрлайди.

сидаги маъсулият катта. Чунки бизнинг фаолиятимиз бевосита одамларнинг ишончи, эл-юрт манфаати билан боғлиқ. Ҳар бир депутат сайловчилар билан шунчаки мулоқот ўтказмаслиги керак. Аксинча, учрашувдан кейин аниқ натижа учун ишлашимиз, сайловчининг мурожаатини, муаммосини ҳал этиш устида изланишимиз, интилишимиз, курашимиз керак. Кўпроқ одамларнинг фикрини тинглаб, уларнинг мулоҳазалари билан ўртоқлашимиз орқали қўтирилган натижага эришамиз, деб ўйлайман.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

2021 ДАВЛАТ ДАСТУРИ

КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК

тақлифлари маъқулланди — автомобилотранспортни техник кўриқдан ўтказишни экстерриториаллик принципти асосида йўлга қўйиш;



— янги автомобилотранспортни техник кўриқдан ўтказиш бўйича талабни бекор қилиш;

— барча рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлими (бўлим)ларида ҳамда камида 20 та давлат хизматлари марказларида миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштиришни (шу жумладан, алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгини бериш) фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудидан қатъи назар амалга ошириш;

— ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга талабдорлардан имтиҳон олиш жараёнини жамоатчилик томонидан, шу жумладан, интернетда кузатиш имконини яратиш.

Шунингдек, республикада давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига жорий этилган мораторийнинг амал қилиш муддати 2021 йил 31 декабрда узатирилди.

2021 ЙИЛ 1 МАЙДАН

айрим молиявий маълумотларни ОАВ ва Интернетда эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

2021 йилда давлат бошқаруви ходимлари сови ўртача 15 фоизга оптималлаштирилди.

2021 йил 1 июлга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қарорларни фақатгина махсус «E-qaror» электрон тизими орқали тайёрлаб, қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

2021 йил 1 майдан қуйидагиларга оид молиявий маълумотларни ОАВ ва Интернетда эълон қилиш амалиёти жорий этилади:

— давлат органлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромади ва харажатлари;

— устав фондида (устав капиталида) давлат улushi 50 фоиз ва ундан ортик бўлган юридик шахслар ҳамда уларга устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортги тегишли бўлган юридик шахслар харидлари;

— давлат субсидия ва грантларининг миқдорлари ва олувчилари.

СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ ИМПОРТИ

учун божхона божи ва импорт учун талаб этиладиган ҳужжатлар бекор қилинди.

2021 йил 1 июлдан «Солиқчи — кўмакчи» тамойили асосида фермерларнинг даромади ва харажатлари автоматик шакл-



Улугбек ВАФОбев, ҲХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси:

— Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиздаги сиёсий партиялар раҳбарлари билан ўтказган очик мулоқоти ниятда самимий ўтди, муаммолар очик таҳлил этилди. Тўғриси, учрашувдан жуда катта куч, эртанги кунга ишонч олиб чиқдик.

Айтиш керакки, ҳозир маҳаллий Кенгашларга катта ваколатлар берилди. Ана шу сиёсий майдон орқали сиёсий партиялар дастурий

мақсадларини амалга оширади. Имониятлар кенг, ҳуқуқий шароитлар етарли, демак, шунга муносиб тарзда ишлашимиз керак.

Учрашувда «Депутат ёрдамчиси» институтини жорий этиш тақлиф қилинди. Демак, депутатлар учун янада катта имкониятлар берилди, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тарақиётига хизмат қиладиган ташаббуслар янада кўпаяди. Шундан келиб чиқиб, партиянинг ташкилотлари ва депутатларнинг ҳамкорлигини янада кучайтиришимиз керак, деб ўйлайман.

Бунинг учун дастлабки қадам сифатида партиянинг ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолиятини халқимиз ҳаётидаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш бўйича 6 йўналишда 44 вазифани ўз ичига олган «йўл харита»си қабул қилинди. Унинг иккинчи йўналишида партиянинг ахборот маконидаги ўрнини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгиланди. Ижтимоий тармоқлардаги муҳокамаларда партия ва депутатларнинг муносабатларини эълон қилиш, ахборотларни тарқатиш бўйича янги чора-тадбирлар белгилади. Чунки бу жамоатчилик фикрини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

ҲХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ АЁЛЛАРДАН 65 НАФАРИ «ЖҲҲ»ДА СОҒЛОМЛАШТИРИЛДИ

Ҳудудларда хотин-қизларнинг ҳаёт тарзини энгиллаштириш, турмуш даражасини кўтариш бўйича қўллаб-қувватлаш бўлими, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бухоро шаҳар ҳокимлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳам бу борада ҳамкорликда хайрли ишларни амалга оширмоқда.

— Таҳлиллар, ўрганишлар натижасига кўра, ҳудудда 6 минг 144 нафар аёл исҳокмат қилади, — дейди Бухоро шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари Дилфуза Нарзуллаева. — Ҳар бир виждонли раҳбар ёнидаги қийналган инсонга ёрдам қўлини чўзади. Узи масъул бўлган одамларнинг мушуқлини энгиллаштиришга интилади. Биз ҳам вилоят масъуллари билан олдимизда турган муҳим вазифаларни белгилаб олганмиз. Энг аввало, ҳар бир маҳалладан бир нафардан оғир шароитда яшаётган хотин-қиз саломатлигини тиклаши учун «ЖҲҲ» соғломлаштириш масканига бепул йўлланма беришни кўзда тутишимиз керак. Бугунги кунга қадар эса 65 нафар аёл бу имкониятдан фойдаланди.

— «ЖҲҲ» соғломлаштириш масканида барча шароитлар яратилган, — дейди макур даволлаш ва соғломлаштириш маскани бош врачлари Наргиза Акрамова. — Саломатлигида нуқсон бор юртдошларимизга «Соғлом аёл — соғлом келажак!» лойиҳаси доирасида тиббий даво муолажалари билан бира руҳий, психологик, жисмоний соғломлаштириш курслари ташкил этилган. Шунингдек, масканида даволанаётганлар маданий ҳордиқ чиқаришлари учун турли тадбирлар ташкил этиб борилади. Беморлар организм учун фойдали минералларга бой, 1430 метр чуқурликдан 53 даража иссиқликда чиқадиган маъданли сув билан даволанадилар. Барча тиббий текширув ва даволаш муолажалари белгиланган 10 кунда замонавий хорижий тиббиёт ускуналарида амалга оширилади. — Хайрли мақсадга қаратилган лойиҳада қатнашиб, «ЖҲҲ»да саломатлигини тиклаётганимдан мамнунман, — дейди оила бекаси Мафтун Жаўраева. — Бу ерда тиббий кўриклардан ўтиб, қўли энгил шифокорлардан даво топдим. Шунингдек, масканида даволанган аёллар бир йил давомида мутахассислар назоратида бўлиб, консултация амалий ёрдам олишлари ҳам биз учун айна мўддао.



BOSH MAQSADIMIZ – XALQIMIZ TURMUSH DARAJASINI YANADA YUKSALTIRISH!

Мутасаддиларнинг билдиришича, айна кунда ўттиз нафарга яқин аёл саломатлигини тиклаётган даволаниш муассасасида хайрли лойиҳа давом эттирилади. Бундан ташқари, эслатиб ўтиш жоизки, шу йилнинг 8 февралдан 8 мартга қадар «ЖҲҲ»да хотин-қизларимиз чегирма асосида саломатликларини тиклашлари мумкин. Улар талабларидан келиб чиқиб, 5 ва 3 кунлик соғломлаштириш кунлари ҳам ташкил этилган. Юртдошларимиз битта йўлланмага оилавий дам олишлари, (эр-хотин) ёки ота-оналарини ёқизиш имконига эга бўлади. Шунингдек, 10 ёшга бўлган болаларга 50 фоиз, 16 ёшга бўлган миқдорларга 30 фоиз чегирилган жорий қилинган. Йўлланма таннархига мутахассис кўриги, лаборатор инструментал текширув, 25 турдаги физиотерапевтик муолажа, 12 турдаги бальнеологик маъданли сув муолажаси, 5 маҳал оқватлашиш ва маданий-маърифий тадбирлар киритилди.

Шаҳло БАҚОЕВА, журналист.



лантириладиган ва солиқ органларига юбориладиган электрон тизим жорий этилади.

Давлат молиявий назорати департаменти томонидан ўтказиладиган текширишлар натижалари очик эълон қилиб борилади.

2021 йил 1 июлдан божхона назоратини олиб боришнинг қуйидаги тартиби белгиланади:

— «Масофавий электрон декларациялаш божхона постлари» синов тариқасида ташкил этилади;

— божхона расмийлаштируви жараёнини масофавий бошқариш, инсон аралашуви кескин қисқартирилди;

— чеғараларда ветеринария ва фитосанитария органлари томонидан текшириш, тўловларни дириш жараёни онлайн амалга оширилди.

Адлия вазириликнинг телеграмдаги «Huquqiy axborot» канали.

МУРОЖААТНОМА

Ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ИНСОН РЕСУРСЛАРИ: МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Самарқанд давлат университетиде ўтказилган халқаро анжуманда мазкур муҳим масала муҳокама қилинди...

Тараққий этилиши лозим бўлган соҳа ёки йўналиш, энг аввало, илмий жиҳатдан асослангани шартлигини бугун даврнинг ўзи кўрсатмоқда. Бу масъулиятли вазифа, аввало, олимларимиз, илм-фан намояндалари зиммасига юклатилади.

Инсон ресурсларини ўрганишга илмий ёндашув сифат ва миқдор хусусиятлари билан ажралиб турадиган мураккаб ҳамда кўп таркибли тузилма сифатида уларни ҳар томонлама таҳлил қилишни ўз ичига олади. Инсон ресурсларини бошқаришдан мақсад — бу меҳнат ресурсларига талаб юқорилигини таъминлаш ва такорр ишлаб чиқариш, уларнинг умумий ва касбий меҳнат лаёқатини ривожлантириш учун шароит яратишдир. Инсон ресурсларини бошқаришга зарур ходимлар таркибини шакллантириш билан ташкилот (корхона) фаолиятини комплексли, мақсадли йўналтирилганлигини таъминлашни, шунингдек, самарали фаолият юритиши учун қўлай ижтимоий-психологик шароитлар яратишни ўз ичига оладиган стратегиянинг бир қисми сифатида қаралиши лозим.

Бу борада СамДУда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Инсон ресурслари бўйича махсус факультет ва Марказнинг очилиши бу йўлда ташланган дастлабки қадамлардир. Биз бу борада асосий эътиборни четдан мутахассислар жалб қилиш, ёш тадқиқотчиларни хорижга юборишга қаратмоқчимиз. Энг қувонарлиси инсон ресурслари борада мутахассислар тайёрлаш ишлари ҳам ўз самарасини бера бошлади. Мазкур йўналишда илмий тадқиқот ишлари олиб боришга интилувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Шунингдек, Самарқанд давлат университетиде "Инсон капитали ва ижтимоий ривожланиш" номи илмий журнал ташкил этилмоқда. Ушбу журналда асосан ижтимоий ривожланиш, инсон капиталини ривожлантириш, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда рақамли технологиялар, рақамли ишлаб чиқариш ва хизматлар қўрсатишга бағишланган йўналишларда илмий мақолаларни чоп этиш назарда тутилган. Ҳамкорларимиз билан ўтказилган анжумандан хулосаларимиз шу бўлдики, ҳали қилинадиган ишлар кўп. Ўзбекистонда Президентимиз томонидан ўтказилаётган ислохотлар замирида инсон ресурслари масаласи ҳамisha долзарб аҳамият касб этаверади...



Нурали Арабов, СамДУ профессори, инсон ресурсларини бошқариш кафедраси мудири:

— Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш босқичи бевосита билим ва тафаккурга асосланган когнитив омиллари ҳамда тежамкор иқтисодиёт, нано ва биотехнологияларга асосланган ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган. Бу макроиктисодиётда бошқарув қарорлари ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун талаб қилинадиган ахборот ҳажмларини кескин даражада ортишига олиб келади. Натижада ходимларнинг билими ва ҳар бир мамлакатда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш даражаси унинг тараққиёти ва рақобатбардошлигини белгилаб беради.

Бугунги кунда республикамизда инсон омилига бўлган эътибор, инсон салоҳиятини ривожлантириш, меҳнат салоҳиятини ошириш, тайёрланаётган кадрлар сифат таркибини такомиллаштириш, инсон капиталини ривожлантириш бўйича кенг кўламли чоралар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Самарқанд давлат университетиде бўлиб ўтган халқаро конференция "Инсон ресурслари: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар" мавзусига бағишланган бўлиб, ушбу конференция Европа, Осиё ва МДХ мамлакатларининг 30 дан орტიқ нуфузли университетларининг етакчи профессорлари иштирокида ўтказилди. Ушбу халқаро конференцияни ташкил этишдан мақсад — жаҳонда ва республикамизда инсон ресурсларини ривожлантириш билан боғлиқ турли йўналишлардаги долзарб муаммолар ечими бўйича илмий асосланган тақрирлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда тадқиқот мавзулари доирасида тажрибалар алмашишдан иборат.

Бугунги кунда республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб негизи, моҳияти инсон омилга йўналтирилган бўлиб, мазкур йўналишда университетимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижаси сифатида университет қошида "Инсон ресурсларини бошқариш" илмий-тадқиқот маркази ташкил этилган бўлиб, марказнинг асосий фаолияти янги авлод кадрларини мақсадли тайёрлаш, иқтисодий ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш, битирувчиларни ўз мутахассисликлари бўйича бандлигини таъминлашга янги ёндашиш, замонавий таълим дастурлари яратиш, шунингдек, бошқарув, инсон ресурсларини бошқариш, кадрлар салоҳиятини ошириш йўналишларида методик ёрдам кўрсатиш, амалиёт ва стажировкаларни ташкил этиш, инновацион илмий тадқиқотларга оид фаолиятни такомиллаштиришдан иборатдир.

Марказ фаолиятининг амалий натижаси сифатида Самарқанд давлат университети ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридеги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ўртасида ҳамкорлик Меморандуми тузилган бўлиб, ушбу Меморандум асосида инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш соҳасида илмий ва амалий тадқиқотлар бўйича ҳамкорлик олиб боришмоқда. Меморандумни тузишдан кўзланган мақсад — томонлар ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотларга мос инсон ресурсларини самарали бошқаришининг замонавий тизимлари асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва улар билан ишлаш механизмларини янада такомиллаштиришдир. Шунингдек, меҳнат бозоридеги ўзгариб бораётган ташқи ва ички конъюнктурага мос равишда кадрлар салоҳиятини доимий ривожлантириш зарур бўлган стратегияларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш, кадрлар салоҳияти ва тажрибасидан унумли фойдаланиш ҳамда бу бўйича таълим дастурларини, мақсадли амалиёт ва стажировка режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатдир.



Дорина Камелиа Илиес, Оредея университети профессори (Руминия):

— Халқаро меҳнат тақсими тобора чуқурлашиб бориб, ҳар бир давлат жаҳон бозорида ўз ўрнини эгалламоқда. Дунё стандартларига мос равишда товарлар ва хизматларни тақлиф этиш кўп жиҳатдан инсон ресурсларининг мавжудлиги, кадрлар малакаси ва ундан фойдаланиш даражасига бевосита боғлиқ бўлади.

Иқтисодиёт, илм-фан, ахборот технологиялари ва инсоният дунё-қарашида содир бўлаётган глобал



Игорь Ганчеренок, Беларусь — Ўзбекистон тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти директори:

— Меҳнат бозорини рақамли иқтисодиётнинг инқилобий давлатларига мослаштириш учун давлатнинг мувозанатлаштириш, мувофиқлаштириш, рағбатлантириш ва инновацион ёндашувлар асосида пухта ишланган тартибга солиш сиёсати бўлиши талаб этилади. Беларусь Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги ҳамкорлиги ақин келажакда Беларусь Республикасида меҳнатга лаёқатли аҳоли улушининг камайиб бораётган ҳамда бунинг акси кузатилаётган Ўзбекистонда демогра-

ўзгаришлар ҳаётнинг барча жабҳаларида, шу жумладан, меҳнат бозори ва меҳнат муносабатларида ҳам улкан ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Замонавий иқтисодий ҳаёт ва бизнес соҳаларида инсон капиталига эътибор қаратмаслик мумкин бўлмаган энг муҳим ва ноёб активга айланиб улгурди.

Мамлакатда инсон капитали сифатини яхшилашга аввало кишиларнинг онгу-тафакқурини модернизациялаш, тобора глобаллашиб бораётган ва динамика суръатлар билан ўзгариб бораётган ҳаётда инсон ресурсларининг билим,

фик муаммоларини ҳал этишда бир-бирини ўзаро тулдирishi мумкин. Масаланинг асосий ечимини аввало малакасиз ишчи кучи миграциясига эмас, балки меҳнат ресурсларининг интеллектуал ҳаракатчанлигига қаратилиши лозим.

Стратегик муҳим бўлган масалаларни амалга оширишда биринчи галда инсон ресурсларини бошқаришининг замонавий тенденцияларини пухта ўзлаштирган ва қўйилган талабларга жавоб берадиган малакали мутахассисларга қаратилади.

Миллий иқтисодиёт миқёсида олиб қаралганда инсон ресурсларини бошқариш инсон капиталини ривожлантириш, бандликни тартибга солиш, меҳнат қонунчилигини

ва ижтимоий самараси бино ва иншоотлар, кўприк ва йўللар қурилишидан фарқли ўлароқ, узоқ вақт ўтиши билан рўёбга чиқади. Инсон капитали самараси бугунги инвестиция объекти ҳисобланган ёш авлоднинг вогага етиши ва иқтисодий фаол аҳолига айланиши билан ҳосил бўлади. Шунингдек, илмий ва таҳлилий ҳамжамият вакиллари мунтазам равишда сиёсий соҳа вакиллари билан аҳолига бағишланган инсон капиталини баҳолашнинг турли ёндашувлари мавжудлигини, унинг турли жабҳалари нуктаи назардан баҳолаш мумкинлигини

Шундай қилиб, илмий-техник тараққиёт учун қўлай шарт-шароит яратиб берган мамлакатнинг глобал иқтисодий рақобатда устунлига эришади. Миллий иқтисодиётнинг рақобат устунлиги ва салоҳияти интеллектуал салоҳиятнинг ажралмас қисми бўлган инсон капитали орқали баҳоланади. Интеллектуал салоҳиятнинг ролининг ортиб бориши уни шакллантириш ва ривожлантириш омиллари ва шарт-шароитларини аниқлаш, баҳолаш услубиятини ишлаб чиқишни заруратга айлантиради.

Айнан шунинг учун ҳам биз Самарқанд давлат университети томонидан мазкур конференцияни ўтказилишини қўллаб-қувватлаймиз. Шу муносабат билан замонавий фанда ушбу минтақада инсон ресурсларини бошқаришнинг мавжуд самарали имкониятларини

ваколатларга асосланган масалалар кўриб чиқилди.

Иккинчидан, иштирокчилар таркиби. Ушбу конференцияда қатнашадиган олимлар бошқа мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз. Уларнинг тажрибасини ҳисобга олишимиз керак, ҳатто қонунчилик ва бошқа хусусиятлар нуктаи назардан бизга мос келмаса ҳам, бу ҳам тажриба. Биз эшитганларимизни таҳлил қиламиз ва ўзимиз учун ҳам бошқарув, ҳам иқро этуви қарорлар қабул қиламиз. Бугунги конференция иштирокчилари ушбу бошқарув тизимини янги воқеалар доирасида яратмоқдалар. Мўлжал тўғриси эканлигини тушунамиз. Биз буни амалга оширамиз, деб ўйлайман.

Бу нафақат истиқболли, балки

етакчи олимлари ва халқаро ташкилотларнинг экспертлари томонидан амалга оширилган жуда кўп тадқиқотларда ўз тасдиғини топаган.

Инсонни ривожлантириш — одамларнинг узоқ ва соғлом, муносиб турмуш кечиришлари, маълумотли бўлишлари учун зарур ресурстардан фойдаланишлари имкониятларини кенгайтириш ҳисобланади.

Мазкур тадқиқот йўналишида

малака ва кўникмалари даражаси ва рақобатбардошлигини ошириш орқалигина эришиш мумкин.

Шу нуктаи назардан инсон ресурсларини бошқариш бўйича эришилган ютуқлар ва келгусидаги вазифаларга эътибор қаратмаслик мумкин бўлмаган энг муҳим ва ноёб активга айланиб улгурди.

Конференцияда инсон капиталини самарали фойдаланиш бўйича мунозаралар асосида ишлаб чиқилган илмий тақрирлар аҳоли бандлигини таъминлаш орқали турмуш фаровонлигини оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

ишлаб чиқиш, бандлик соҳасида қонунчилик, ижтимоий ҳамкорлик тамойилларини жорий қилишга қаратилади.

Самарқанд давлат университети ташаббуси билан ўтказилган ушбу конференция Ўзбекистон ва хорижий етакчи мутахассислари, вазирик ва қўмита, турли бизнес, сиёсий партиялар ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, ОАВ ва ёш олимларни бirlаштиради. Менинг фикримча, бу конференция инсон ресурсларини бошқариш соҳасининг етакчи мутахассисларини Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш бўйича замонавий муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида жамланган улкан тарихий воқеа бўлиши шубҳасиздир.

илмий асослаш орқали ишонтиришга қаратмоқдалар.

Конференция доирасида муҳокама қилинаётган ва алоҳида қизиқishi уйғотган мавзу бу инсон капиталини малакали экспертлар иштирокида кенг муҳокама қилиш асосида баҳолашдир. Бу каби масалалар Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчилари диққат марказида эканлигиндан гоҳ мамнунман. Университетнинг миссияси турмуш сифати, фаровонлиги соҳасидаги тадқиқотларни ривожлантириш, силжитиш ва рағбатлантиришга қаратилганлиги шубҳасиз.

аниқлаш муҳим, деб биламиз. Шубҳасиз, қўрилаётган масалалар бутун илмий ҳамжамиятнинг саёҳаракатларини бirlаштиришнинг талаб қилади.

Кейинги йилларда дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг олимпиади, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам кооперациянинг пухта ишланган тажрибаси шаклланиб боради. Ишончим комилки, бундай ҳамкорликни янада ривожлантириш зарур. Ҳар томонлама илмий таҳлиллар, иқтисодчилар, социологлар, файласуфлар, тарихчилар, кенг жамоатчилик ва давлатнинг қўллаб-қувватлаши — инсон капиталини ривожлантириш соҳасида халқаро-ҳуқуқий базани яратишнинг зарур шarti, десак муболага бўлмайди.



Славомир Врәблевски, профессор, «Ипак Йўли» туризм халқаро университети, туризм менежменти факультети декани (Польша):

— Жаҳондаги глобаллашув шароитида туризм муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маданий омиллardan бирига айланди. Иқтисодиётнинг ушбу секторида умумий даромад ҳажми триллионлаб долларни ташкил этмоқда, ҳар йили бутун дунёда бир миллиардан зиёд киши саёҳат қилимоқда. Туризм нафақат савдо хизматларининг бир тури сифатида, балки бугун туризм бозорларининг барқарор ривожланиши янги ишчи ўринларини яратишга ва унга турдош бўлган тармоқларни ривожлантиришга имконият яратмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда туризм соҳасида таълим беришнинг илгор усулларидан фойдаланиш эҳтиёжлари пайдо бўлмоқда. Бу эса соҳада етук мутахассисларни тайёрлаш ва инсон ресурсларига бўлган талабни оширади. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ўқув дастурларидан фойдаланиш ва уларни таълим жараёнига тақлиф этиш орқали пандемия шароитида туризм соҳасида етук кадрларни тайёрлаш имкони яратилди. Бу эса ўз навбатида соҳанинг янги истиқболли зийрат туризми, агротуризм, спелитуризм ва гастрономик туризм каби йўналишларнинг ривожига катта ҳисса қўшади.

Самарқанд давлат университети ташаббуси билан ташкил этилган "Инсон ресурслари: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар" халқаро конференциясида иштирок этиш ва интеллектуал салоҳияти орқали туризм соҳаси кадрларини тайёрлаш сифатини оширишнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш, ушбу соҳада кейинги тадқиқотлар ишланмалар учун йўналишларни аниқлашга ёрдам беради, иш берувчилар талабларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш стратегиясини такомиллаштиради.



Грамм Чиковани, Араб давлатлари ва ислом дунёси маркази директори, Озд Тбилиси университети (Грузия):

— Ўзбекистон Республикаси инсон капиталини ривожлантириш ва тақдир қилишда тарихий макон, бой илмий тажриба ва шарт-шароитлар эга мамлакат.

Шу билан бирга мазкур конференциянинг мақсади бўлган Ўзбекистонда инсон ресурсларини бошқариш сифат даражасига олиб чиқиш учун инсон салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича илмий асосланган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда мавжуд муаммо ва тускиларни ҳар томонлама тақдир қилиш зарур бўлади. Конференцияда кўзда тутилган масалалар муҳокамасида илмий тадқиқотчилар, ташкилотчилар, маҳаллий ҳамжамият ва маъсул органлар тизими ёндашув асосида Ўзбекистонда инсон ресурсларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишлари мумкин бўлади.

Самарқанд давлат университети ташаббуси билан ташкил этилган "Инсон ресурслари: муаммолар, ечимлар, истиқболлар" халқаро конференциясида иштирок этиш ва интеллектуал салоҳияти орқали туризм соҳаси кадрларни тайёрлаш сифатини оширишнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш, ушбу соҳада кейинги тадқиқотлар ва ишланмалар учун йўналишларни аниқлашга ёрдам беради. Шу боис, иш берувчилар талабларига мувофиқ олийгоҳлар битирувчиларини тайёрлаш стратегиясини такомиллаштирилади.

Журналист Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА, ёзиб олди.

МУРОЖААТНОМА

Камбағалликни қисқартириш борасида ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш, амалга оширилаётган ишлар ижросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий Кенгашларнинг диққат марказида бўлиши лозим.

ХАЛҚ БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиққўжаев:

“АГАР БИР ДАРАХТ КЕСИЛСА ҲАМ ЎЗ АРИЗАМ БИЛАН ИШДАН КЕТАМАН”



Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда ва аҳоли ўртасида Тошкент шаҳрининг қоқ маркази — Марказий универмаг (ЦУМ) ёнидаги «Мовий гумбазлар» номи билан машҳур бўлган хиббон тўғрисида ҳар хил гап-сўзлар, миш-мишлар тарқалди. Нимадир қурилармиш, дарахтлар кесилармиш...

Бу ер сердархат, энг обод хиббонлардан бири ҳисобланади. Уртастида машҳур «Мовий гумбазлар» кафеси жойлашган.

Хиббоннинг ўзига ҳослиги — ҳеч қандай аттракционларсиз, кўплаб дарахтлар, майсазор, сайр қилиш йўлақлари ва ўриндиқлар, овқатланиш шохобчалари, китоб дўконлари бир жойда жамланган, осуда хордиқ чиқариш мумкин бўлган кам сонли масканлардан бири ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, Ўзбек давлатчилигининг 3000 йиллик сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий, маънавий тарихи ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган, Янги Ўзбекистонни қуриш босқичини ўзида қамраб олган жараёнларни гавдалантирувчи «Истиқлол» мажмуасининг концепция лойиҳасини яратиш учун танлов эълон қилинган. Бу мажмуа учун «Мовий гумбазлар» номи билан машҳур бўлган хиббон танланган. Ана шу танловни эшитган жамоатчилик ташвишга тушиб қолган. Бундан ташқари, ижтимоий тар-

моқларда эълон қилинаётган хабарларда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг масъуллари боғдаги дарахтлар химоя қилинишига ваъда беришайётган бўлса-да, фуқаролар сўнги йилларда пойтахтда олиб борилаётган кўплаб қурилушлар сабаб дарахтларнинг кесилишидан юрак олдиришгани боис, ҳокимлик ходимларига ишонмаётганини айтишмоқда.

Шунинг учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 4 февраль кўни ушбу мажмуа лойиҳаси бўйича танлов эълон қилганидан кўп ўтмай, бир гуруҳ фаол фуқаролар «Мовий гумбазлар»

номи билан аталувчи хиббонни сақлаб қолиш учун петиция бошлади. Биз бу маскан ўз ҳолатида қолдирилиши учун овоз берамиз. Қайта қурилишига ва дарахтлар кесилишига қаршимиз. Чунки, ушбу хиббон атрофида яшовчи фуқаролар кўпқаватли уйларда истиқомат қилиши сабабли улар фарзандлари ёки неваралари билан бу хиббонга чиқиб сайр қилишларини айтиб, мажмуа қурилишини бошқа ерда қилишни сўрашмоқда.

Петицияда овоз берганлар сони 7500дан ошган. Қолаверса, дастлабки босқичда боғ химоси учун 5 мингдан ортиқ фуқаро имзо қўйган мурожаат Президент Халқ қабулхонасига ҳам топширилган. Бундан ташқари, ижтимоий тармоқларда ҳам фуқаролар ўз фикрларини билдиришмоқда. Айтишларичи, ушбу хиббонда катта-кичик аралаш 1500 дан ортиқ дарахт бор.

Шу боис, 13 февраль кўни «Мовий гумбазлар» кафеси яқиндаги хиббонда Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб «Истиқлол» мажмуасини барпо этиш масаласида Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиққўжаев яқин атрофдаги кўпқаватли уйларда яшовчи аҳоли, журналистлар, блогерлар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашув ўтказди. Ҳоким аввало, шаҳар депутатлари ва Тошкентда узоқ йиллар ишлаган фидойи инсонлар билан маслаҳатлашган ҳолда шу жой танланганини қайд этди. У жумладан, шундай деди:

— Мен ўз ваколатимдан ташқарига чиқаётганим йўқ. «Истиқлол» мажмуаси мустақиллик рамзини ақс эттирувчи стелла барпо этилишини кўзда тутиди, бошқа ҳеч қандай қурилиш ишотириши бўлмайди. Фақат шу жойда ишлар олиб борилади. Стелла атрофи ободонлаштирилади, хиббон ҳудудининг бир қисми эрига ҳам тегишмайди. Биронга дарахт ҳам кесилмайди. Агар бу ерда шундай мажмуа қурилса, 100 йиллар давомида бу боққа ҳеч ким тегишмайди. Мен ҳозир шаҳар ҳокимиман. Бу боғни сақлаб қолишим мумкин. Аммо мен кетганимдан

Ийгилиш бошланганидан бир соат ўтиб ҳам баҳс-мунозара давом этди. Ҳоким қурилиш жараёни очиқ-ошқора бўлиши, аҳоли қурилишни назоратга олиши учун камера ўрнатилишига ваъда берди. Жаҳонгир Ортиққўжаевнинг сўзларига кўра, мустақилликнинг 30 йиллигига бағишланган «Истиқлол» мажмуасининг тахминий макети уч кун ичида жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилади. Унда стелла боғнинг айнан қаерида жойлашади, қанча майдонни эгаллайди, ана шулар ҳақида маълумот берилади. Учрашув якунида петиция иштирокчилари шаҳар ҳокими тақлифига розилик билдиришти.

Шу ўринда бир муроҳазани айтиб ўтиш лозим. Ушбу учрашувдан ҳам



Ҳамама айтиши мумкин, бюджет пули сарфланган, деб. Йўқ, бунга мен ўзим шахсий маблағимдан қилганман. Агар шу ерга мустақиллик рамзини ўрнат-сак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Хавотир олишга асло ўрин йўқ. Қурувчиларнинг энг яхшисини топамиз. Оёқ остидаги бетонни мармардан қиламиз. Атроф янада ободонлашади. Гуллар экилади, одамлар бемалоп айбон туради, ўриндиқлар янги бўлади...

билиш мумкинки, бугун жамиятимиз ўзгарапти, эндиликда давлат идоралари раҳбарлари халқнинг олдида келиб, уларнинг фикри билан ҳисоблашмоқда. Биз сўз билан айтганда, бугун давлат идоралари фаолияти очиқлиги амалда таъминланаяпти. Халқ давлат идораларига эмас, Балки давлат идоралари ростакамига халққа хизмат қилмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

КЎПЧИЛИКНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

БОЛА ПАРВАРИШЛАШ НАФАҚАСИ



Бу саволга **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ижро этувчи аппаратининг “Ижтимоий химоя ягона реестри” ахборот тизимини жорий этиш бошқармаси бошлиғи Зайниддин АРАЛОВ** жавоб беради.

— Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш буйича, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идораларо электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларига “Ижтимоий химоя ягона реестри” ахборот тизими орқали ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги тизим асосида амалиётга жорий этилди.

Ушбу тизим тажриба-синов тариқасида 2019 йилнинг 1 октябрдан Сирдарё вилоятида жорий этилган эди. Тизим муваффақиятли деб топилач, 2020 йил сентябрдан декабрга қадар бутун республикада амалиётга жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар нафақалар ва моддий ёрдам тайинлашни сўраб, ариза билан яшаш жойидаги маҳалла фуқаролар йиғинларига мурожаат қилишлари мумкин. “Ижтимоий химоя ягона реестри” ахборот тизими орқали ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш учун фуқаро ҳеч қандай маълумотни йиғиши шарт эмас. Фақатгина ариза билан ўзи ва оила аъзоларининг паспортлари нусхалари (нихоз ва болангиз тугилганлиги тўғрисида гувоҳнома) тақдим этилади.

Фуқаролар аризани маҳалла фуқаролар йиғинларига беради. Маҳалла фуқаролар йиғинлари аризаларини ойнинг 15 санасигача қабул қилиб, 18 санасигача Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этади. Пенсия жам-

ғармасининг туман (шаҳар) бўлими қабул қилинган аризаларни ойнинг 25 санасигача “Ижтимоий химоя ягона реестри” ахборот тизимига киритади.

Ҳозирда тизим 9 та вазирлик ва идора электрон базасига интеграция қилинган. Айна пайтда улардан 20 турдаги маълумот олинмоқда. Дастурга фуқаронинг паспорт серияси ва шахсий идентификация рақамлари киритилади ва шунда унга тегишли барча қолган маълумотлар автоматик равишда чиқади.

Аризани қаноатлантириш ёки рад этишда Пенсия жамғармаси ёки маҳалла фуқаролар йиғинлари умуман иштирок этмайди.

2021 йилнинг январь ойидан “Ижтимоий химоя ягона реестри” ахборот тизими орқали республиканинг барча ҳудудларида 3 турдаги (бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш буйича, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам) нафақалар инсон омилсиз тўлиқ тайинлаб келинмоқда.

— Қандай ҳолларда ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади?

— Низомнинг 7-бандига мувофиқ, қўриқдаги нафақалар ва моддий ёрдам оиланинг жами даромади белгиланадиган даврда киши бошига тўғри келадиган даромади меҳнатга ҳақ тўлаш буйича энг кам миқдорининг 0,527 бараваридан (2021 йил 1 февралдан бошлаб бу 393,8 миң сўм) ортиқ бўлса, агар аризачи ва оила аъзолари номида биттадан ортиқ кўчмас мулк, яъни ўзи яшаб турган уйдан бошқа яна кўчмас мулк мавжуд бўлса, ишлаб чиқарилганга 10 йил тўлмаган автомашинаси мавжуд бўлса, иккита ва ундан

Кимларга ва қандай берилади?



ортиқ автомашинаси мавжуд бўлса, оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоси ҳеч қаерда расман ишлаганса, жамоат ишлари иштирокчиси бўлмай, ишда ишлаш учун меҳнат органларига мурожаат қилиб, иш излаётгани тўғрисида рўйхатга олинмаган бўлса **ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади.**

Болали оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам 6 ой муддатга, бола парвариси буйича нафақалар эса 12 ойга тайинланади, кейинги йил учун қайта хужжат тоширади, бироқ бола икки ёшга тўлган оидан ортиқ эмас.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Факулдада вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа саноати давлат қўмитаси ходимлари ва хизматчилари ҳамда бу вазирликлар ва идоралар таркибидидаги ташки-

ТАҲРИРИЯДАН:

Авалло, шунинг билан керакки, нафақа ва моддий ёрдам бериш масаласи инсон иштирокисиз, яъни таниш-билишсиз амалга оширилади. Мутахассис жавобда айтилгандай, сиз ариза билан қўшиб, ўзингиз ва оила аъзоларингиз паспорт нусхалари, шунингдек, нихоз ва болангиз тугилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни маҳалла фуқаролар йиғинига тақдим этасиз. Маҳалла фуқаролар йиғини эса ҳужжатларингизни пенсия жамғармасига топширади. Бу ҳужжатлар “Ижтимоий химоя ягона реестри” ахборот тизимига киритиладди. Ҳужжатларингизга қараб, сизга ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдам тўлаш-тўламаслиги масаласи ҳал бўлади.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ



“ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ” АЖ

Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда

Миллий матбуот марказида “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти томонидан “Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган ишларга бағишланган” матбуот анжумани ўтказилди. Унда комбинат раҳбарлари ва маъсۇл ходимлари маҳаллийлаштириш дастури бўйича амалга оширилган ишлар ва бу борадаги режалар хусусида маълумот берди.

Шунингдек, тадбирда комбинат томонидан 2020 йилда 72 лойиҳа асосида 131,9 миллиард сўмлик ва янги 23 лойиҳа бўйича 11,9 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши режа қилинган, амалда эса ушбу дастурга асосан 72 лойиҳа асосида 157,2 миллиард сўмлик, шу жумладан, янги 23 та лойиҳага доир 17,5 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилишига эришилгани натижасида белгиланган режа кўрсаткичи 119,1 фоизга бажарилгани тўғрисида ахборот берилди.

— Бугунги кунда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар комбинатнинг Марказий таъмирлаш механика заводи, Нодир металл ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Рух заводи каби корхоналарда тайёрланмоқда, — дейди “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раисининг маҳаллийлаштириш, саноат ва ахборот технологиялари соҳасида кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ўринбосари **Отбек Исроилов**. — Қўшимча қилиб яна шунинг билан мумкинки, ушбу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар комбинатнинг ички эҳтиёжи ҳамда республикада фаолият юритиб келаётган топ-кон саноати корхоналари учун мўлжалланганлиги билан аҳамиятлидир. Комбинат томонидан 2020 йилда маҳаллийлаштириш доирасида пўлат ва чўян қўймаларида тайёрланган эҳтиёт қисмлар 60,9 миллиард сўм, ностандарт қурилмалар 12 миллиард сўм, конвейер қурилмалари учун эҳтиёт қисмлар 6 миллиард сўм, ГРАТ ва ГРТ типдаги насослар учун эҳтиёт қисмлар 1 миллиард сўм, янчиш ускуналари учун 1,8 миллиард сўм, тегирмон ускуналари учун 6,6 миллиард сўм, экскаваторлар учун 1,2 миллиард сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, маҳаллий хомашёни чўқур қайта ишлаш натижасида рух оксиди, молибден ва вольфрам металлари, бургулаш қопламалари, нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар асосидаги маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Этиборли жиҳати, жорий йилдан бошлаб полимер микроферралар, насос қурилмалар, радиаторлар, темир қотишмалар, филтргапш элементлари, подшипниклар, кимёвий реагентлар (калий кантогенати, натрий сульфиди, натрий гидросульфиди), графит ва полимер асосидаги маҳсулотлар ҳамда технологик қурилмалар учун бошқа турдаги эҳтиёт қисмлар ўзлаштириш орқали, яъни маҳаллийлаштириш орқали ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

— Шунингдек, комбинатимиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан ҳам ўзаро манфаатли алоқаларини йўлга қўйган, — дейди комбинатнинг маҳаллийлаштириш дастури бўлими бошлиғи **Козимжон Жумабоев**. — Масалан, Материалшунослик институтининг илмий ходимлари билан ҳамкорликда лаборатория шароитида олинган олеин кислотаси ишлаб чиқариш синовдан ўтказилиб, яхши натижаларга эришилди. Ҳозирда ушбу маҳсулотни саноат даражасида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича ишлар олиб борилаётганда. Қолаверса, жорий йилда маҳаллийлаштириш дастури доирасида 161,4 миллиард сўмлик 87 та лойиҳа, шу жумладан, 4,3 миллиард сўмлик 17 та янги лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Комбинатнинг Марказий таъмирлаш-механика заводини модернизация қилиш ва бунинг натижасида технологик ускуналар учун ҳозирда импорт орқали сотиб олинаётган эҳтиёт қисм ва бутловчи буюмларни ушбу бўлимга қувватларида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда Портловчи моддалар заводи қувватларидан нозектир қўзғатиш тизимларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхона ишга тушириш истиқболдаги режаларимиздир.

Тадбир сўнггида бугунги кунда комбинат томонидан маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва нархлари борасида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

Тоштемир МУРОД,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Шухрат ИСПОМОВ ёзиб олди.



МУРОЖААТНОМА

Ҳукуматга 2021 йил 1 мартдан бошлаб ички туризм йўналишларидаги авиақатновларни йўлга қўйиш ва авиачипта нарҳининг бир қисмини бюджетдан қоплаб бериш тизимини жорий этиш вазифаси юкланади.

МУНОСАБАТ

САЁҲАТ ҚИЛИНГ, ЗИЁРАТ ҚИЛИНГ, ДАМ ОЛИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни янада фаоллаштиришда муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Фармон республика туризм бозорига дахлдор ва хизматларни диверсификация қилишни, уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, мақбул

ва қулай ички ва халқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш, туризм маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз манзил сифатидаги имижини мустаҳкамлашни назарда tutади.

Бу борада қуйида мутахассислар фикрини ҳавола этамиз.

Ўзбекистон сайёҳлик қўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёнинг 10 та етакчи мамлаката қаторидан ўрин эгаллаган. Республикада туристларни ўзига жалб қилаётган 8,3 мингдан зиёд маданий мерос объекти мавжудлиги ҳамда уларнинг 200 дан ортиги ЮНЕСКО ташкилоти рўйхатига киритилганлиги мамлакатимиз туристик салоҳиятининг юқориликни билдиради.

Ўзбекистон нафақат ўзининг бой тарихи ва маданий ёдгорликларига эгалиги, балки муқаддас қадамжолар маскани сифатида ҳам жаҳонга машҳур. Ўзининг кўп минг йиллик тарихий давомида ватанмиз сиёсий, маданий, ижтимоий-иқтисодий, геосиёсий салоҳияти жиҳатидан дунё тамаддунига катта ҳисса қўшиб келган. Мамлакатимизда улуг илм соҳиб ва ислом динига улкан ҳисса қўшган алломалар зиёратгоҳларининг кўплиги ташқи сайёҳларнинг юртимизга қизиқишини янада ортатишига сабаб бўлмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда зиёрат туризмининг умумий туризмининг бир тармоғи сифатида ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, инфратузилмасини шакллантириш, соҳани ўрта махсус ва олий маълумот кадрлар билан таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган улуг аждодларимиз мақбаралари обод қилиниб, у ерларда масжид ва мадрасалар, зиёратчилар учун қулай меҳмонхоналар қурилиб, улар атрофида боғ-роғлар барпо этилди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида зиёрат туризми марказларидан бири сифатида эътироф этилиши умумий маънода мамлакатда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантиришга боғлиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгиланган бўлиб, у ерларда, тегишли ҳукумат раҳбарлари ва соҳа мутахассислари олдида ички ва зиёрат туризмининг ривожлантириш мақсадида ҳудудий туристик маршрутлар бўйича авиа ва темир йўл қатновлар сонини ошириш, Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун харажатларнинг бир қисмини қайтариш, туристик сафар харажатларини субсидиялаш тартибини ишлаб чиқиш бўйича муҳим вазифалар фармонда белгиланган бўлиб.

Маълумки, 2020 йилда давом этган COVID-19 пандемияси жаҳон мамлакатлари туристик секторига чуқур инқироз юз беришига олиб келди. Мамлакатимизда ҳам пандемиядан кейинги даврда туризмни тиклаш, соҳага инвестициялар жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш, кейинги йилларда зиёрат туризми ривожлантириш инноватив қатор кадрлар тайёрлаш ва уларнинг салоҳиятини ошириш, пировардига, туризмин иқтисодиётнинг локомотив соҳаларидан бирига айлантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифалардан саналади. Мавжуд инқироз ҳолатини инноватив қатор кадрлар тайёрлаш ва уларнинг салоҳиятини ошириш, пировардига, туризмин иқтисодиётнинг локомотив соҳаларидан бирига айлантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифалардан саналади. Мавжуд инқироз ҳолатини инноватив қатор кадрлар тайёрлаш ва уларнинг салоҳиятини ошириш, пировардига, туризмин иқтисодиётнинг локомотив соҳаларидан бирига айлантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифалардан саналади.

Муслмон сайёҳларнинг алоҳида ҳусусияти шундан иборатки, уларнинг зиёрат қилишлари учун диний қадамжоларнинг ўзи етарли эмас. Сайёҳларни жалб қилиш учун тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилиши, қулай виза тартиби, аэропорт, меҳмонхоналарда ибодат амалларини бажариш учун шарт-шароит бўлиши керак. Фармон билан айнан шу вазифаларни ўз ичига олган бир қатор режа ва дастурлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасидаги ийрик моддий маданий мерос объектиларида ички туризм оқимларини шакллантириш режаси, Ўзбекистон Республикасида туристлар оқимини шакллантириш ва улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари дастури, хорижий мамлакатларда Ўзбекистон Республикасининг зиёрат туризми салоҳиятини манзилли тарғиб қилиш чора-тадбирлари режаси тасдиқланди.

Сайёҳларни жалб этишнинг энг асосий омилларидан яна бири бу – тарихий обидаларни асл ҳолича сақлашдир. Европалик сайёҳлар ҳам, муслмон давлатларидан келган сайёҳлар ҳам замонавий осмонлар биноларига тула мамлакатлардан келишади. Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳати – тарихий обидалар ўзининг гўзал, қадимий кўринишини сақлаб қолганлигидир. Шунингдек, фармонда тегишли ҳукумат раҳбарлари ва мутасадди ташкилотларга туризм объектиларининг муҳандислик-коммуникация тармоқлари, коммунал ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш, туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани қуриш, маданий-кўнгилочар инфратузилмаларни ривожлантириш, маданий мерос объектиларини реставрация, консервация қилиш ҳамда ободонлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.


Ўзбекистонда зиёрат туризмининг ривожлантириш омилларидан бўлган илмий асосланган ахборот ресурсларини тўплаш, мамлакатда мавжуд маънавий ва моддий бойликлар тавсифини умумлаштириш, зиёрат туризми бўйича тўлиқ маълумот беришнинг интеграцион электрон платформани яратиш илмий-амалий аҳаmiaтга эга ҳисобланади. Бу вазифаларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш мақсадида зиёрат туризмининг ривожлантиришнинг мувофиқлаштириш кенгаши ва унинг фаолиятини ташкил этиш юзасидан ҳукумат қарори ишлаб чиқиш белгиланди.

Ўзбекистоннинг зиёрат туризми салоҳиятини намойён этиш гид-мутахассислардан бевосита етуқ тил малакаси билан бирга ислом динига оид – ислом тарихи, маданияти ва цивилизацияси билан боғлиқ зарурий билимларга эга бўлишни талаб этади. Шунингдек, мутахассис-гид хорижий зиёратчиларнинг қайси давлатдан экани, уларнинг маданияти, эътиқодий қарашлари, маъраба ва тарикатини инобатга олган ҳолда зиёратчилар учун маълумотларни мазмунли ва илмий асосланган ҳолда етказишни зарур. Мамлакатимизда мутахассисларга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда мазкур фармон билан 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб “Ипак йўли” туризм халқаро университети, Тошкент давлат иқтисодий университети, Бухоро ва Термиз давлат университетларида “зиёрат туризми”, “транспорт логистикаси” ва “ижодий санат” (creative industry) магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш тўғрисидаги тақлифлар маъқулланди.

Ҳозир Ўзбекистон халқаро ислом академиясида зиёрат туризми йўналишида бақалар ва магистратура таълими йўлга қўйилди. Бу йўналишга оид адабиётлар чоп этилиб, ҳужжатли ва бадиий кинофильмлар яратилмоқда, илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, диссертациялар ҳимоя қилинмоқда. Академия ва республикадаги бир гуруҳ олимлар иштирокида зиёрат туризми платформасини яратиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу лойиҳани айнан фармонда келтирилган вазифаларнинг амалий таътиби, дейиш мумкин.

Мазкур фармон ва зиёрат туризмининг ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли саёҳ-ҳаракатлар замирида Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари орасида туризм йўналишидаги ўрнини мустаҳкамлаш, қолаверса, дунё ахлига юртимизнинг нақадар бой тарих ва маданиятига эга эканини кўрсатишдир.

Ўқтам ЖИЯНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми” кафедраси
ўқитувачиси.



ЎЗБЕКИСТОН – САЁҲАТ ВА ДАМ ОЛИШ УЧУН ХАВФСИЗ МАКОН

Юртимиз ўзининг бой тарихи, маданияти, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган олим уламолари, мутафаккир алломалари, бекис маданий мерос объектилари, қадимий меъморчилик, хунармандчилик ва пазандчилик санъати билан бир қаторда, зиёрат туризми йўналишида ҳам юксак салоҳиятга эга минтақа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида зиёрат туризмининг янада ривожлантириш ва зиёратчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисидаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони мамлакатимизда туризм индустрияси, хусусан, зиёрат туризмининг ҳар томонлама жадал суръатларда ривожлантиришга томон қўйилган дадил қадам бўлди.

Ўзбекистонда туризм индустрияси билан боғлиқ барча соҳалар инфратузилмасини янада такомиллаштириш, хусусан, туризм маҳсулот ва хизматларини диверсификация қилиш, улар рақобатбардошлигини ошириш, мақбул ва қулай ички ва халқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш, туризм маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз макон сифатидаги имижини мустаҳкамлаш ҳамда қўшимча иш ўринларини яратиш мамлакатимиз истиқболли ун ҳаётини муҳим ва долзарб вазифалардан бирига айланди.

Мазкур фармонда 2021 йилда хизматлар ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг драйверлари сифатида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” шiori остида ички туризмининг омаллаштириш, шунингдек, зиёрат туризмининг ривожлантириш, “Умир+” зиёрат дастурини амалга ошириш вазифалари белгиланган бўлиб.

Юртимизда нишонланадиган байрамларда дам олиш кунларининг йўналишлари, жумладан, Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) ва Қурбон ҳайит (Ийд ал-Аъда) диний байрамлари, Наврўз умумхалқ байрами, Мустақиллик куни ҳамда Янги йил байрамини нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунлар учун кундан кам бўлмаган муддатга белгиланиши, бир томондан, ички туризмининг янада ривожлантириш, иккинчи томондан, мамлакатимиз аҳолисининг ички саёҳат ва зиёратлари амалга ошириш имкониятини яратди.

Фармонга биноан Ўзбекистон Республикасида маҳаллий зиёратчи сайёҳлар оқимини шакллантириш ва улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқиш ва тасдиқланди. Унг қўра, 2021 йилда 1,7 миллион хорижий, 7,5 миллион маҳаллий сайёҳни жалб қилиш, туризм хизматлари экспортини 370 миллион долларга етказиш кўзда тутилган. Мамлакатнинг зиёрат туризми салоҳияти имкониятдан фойдаланган ҳолда 700 миң зиёратчининг жалб қилиш ва бу йўналишда 130 миллион долларлик хизматлар экспортини таъминлаш бўйича вазифалар белгиланган.

Мамлакатимизнинг Ислом цивилизацияси маркази сифатидаги имижини омаллаштириш мақсадида Дубай (БАА), Аляния (Туркия), Қозон (Россия), Жакарта (Индонезия) ва Сингапур шаҳарларида ўтказиладиган кўргазма ва конференцияларда ҳамда бошқа хорижий медиа-платформалар орқали кенг тарғибот ишлари олиб борилиши кўзда тутилмоқда. Термиздаги Имом ат-Термизий мажмуасида “Шамоили Муҳаммадий” халқаро сийрат мусобақаси, Бухоро шаҳрида “Ислом каллиграфияси ва наққошлик” танлови ўтказилди. Унинг якуни бўйича “Ислом каллиграфияси галереяси” ва “Минораи Калон” халқаро овоз мусобақаси, “Ипак йўли руҳияти” халқаро илмий-маърифий конференцияси, Самарқанд шаҳрида “Имом Бухорий номиди халқаро ҳадисшунослик ва “Саҳиҳ ул-Бухорий” энг қадимий ва ноқий қўлама нусхаларининг жаҳон кутубхоналарига сақланиши тарихи” анжумани, Тошкент шаҳрида “Имом Мотуридий илмий меросининг замонавий тадқиқотлари”, Қарши шаҳрида “Абу Муин Насасий Марказий Осие уламолари”, Термиз шаҳрида “Термизий уламоларнинг ислом тамадуни ва жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси” мавзусида анжуманлар ўтказилди. Дунё бўйлаб ўтказиладиган Қуръон ҳофизлари ва Ҳадис талабалари мусобақалари голиби бўлишга ўртадаги гранд-финални Ўзбекистонда ташкил этиш, Тошкентдаги “Усмон муҳафиди” атаб Жакартанинг марказий богнда Гиннеснинг рекордлар китобида кириш учун каллиграфия тадбирини ташкил этиш ва зиёрат объекти ёдгорликлари, тарихий мерос дурдоналари тўғрисида фото (видео) кўргазмалар ташкил этиш ва тарғибот мате-

риалларини тайёрлаш, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар орқали тарғиботта қаратилган лойиҳа ва тадбирлар яқин истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар сирасига кириди. Дунёда машҳур алломаларимизнинг асарлари, шу жумладан, Имом ал-Бухорийнинг ҳадислари тўплами, Имом Термизийнинг “Аш Шамоил ан-Набавий” китоби, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” дан танланган бандлари тўплами, Имом Насафийнинг “Ақоид” асари, Амир Темирнинг “Темур тузуқлари”, Алишер Навоий ҳикматлари тўплами, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” ва бошқа алломалар асарлари хорижий (инглиз, араб, турк, рус) тилларда сифати усулда нашр этилади ҳамда зиёратгоҳлар, темир йўл вокзалларида сотуви йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда. Ислом оламида эътироф этилган Имом ал-Бухорий, Имом Термизий, Имом Абу Мансур ал-Мотуридий, Аб-Азамшарий каби буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижоди, шунингдек, мамлакатдаги зиёратчи объектилари тўғрисида мақолаларни “WikiPedia” электрон энциклопедияси ва бошқа электрон платформаларга жойлаштириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида Имом ат-Термизий ҳаёти ва мероси, хусусан, “Аш Шамоил ан-Набавий” асари ҳақида махсус кўрсатувлар ташкил этиш, Бухоро вилоятидаги “Етти пир” мажмуаларидаги инфоюксказларда жойлаштириш учун “Тариқтинг етти пир” номли мультимедиа дастурини ишлаб чиқиш, юртимизнинг зиёратгоҳ ва қадамжолари, турли динлар меросини акс эттирувчи видеопанорама тайёрлаш ва уларни хорижий авиаконанилар, поездлар борти ра медиакасига кириштириш чоралари амалга оширилди.

Юртимизда зиёрат туризмининг ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор, амалга оширилган, оширилаётган ва режалаштирилган кенг қўламли ишлар яқин келажакда ўзининг ижобий самараларини намойён этади.

Равшан АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми” кафедраси профессори,
иқтисод фанлари доктори.

БИЛАСИЗМИ?



АЙРИМ БАЙРАМЛАРДА
дам олиш кунлари камида 3 кун эътиб белгиланди

“Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди.
Фармонга қўра, ички ва зиёрат туризмининг ривожлантириш доирасида:
— Фаргона – Урганч – Фаргона, Термиз – Урганч – Термиз ҳамда Қарши – Урганч – Қарши авиарейслари йўлга қўйилди;
— Андижон – Хива – Андижон темир йўл қатнови сони оширилди;
— 2021 йил 1 апрелгача Термиз – Қарши – Хива, Хива – Урганч – Нукус ва Термиз – Қарши – Самарқанд йўналишлари бўйича доимий темир йўл қатновини йўлга қўйиш чоралари қўрилади.
Қуйидаги имтиёз ва преференциялар муддатлари 2021 йил 31 декабргача узайтирилди:
— туроператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун фойда солиғи ставкасини белгиланган ставкага нисбатан 50 фоизга камайтириш;
— камида 10 кишидан иборат хорижий туристик гуруҳлар учун Ўзбекистонда тур ташкил этиш ва уларнинг жойлаштириш воситаларида камида беш кеч тунаб қолиш шартли билан туроператорларнинг авиа ва темир йўл чипталари бўйича харажатларини чипта нарҳининг 30 фоизи миқдорига қисман субсидиялаш;
— туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатиш бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилиш;
— улар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқни камайтирилган ставкада 1 фюз миқдорига белгиланган.


Фармонга қўра Наврўз умумхалқ байрами, Мустақиллик куни ва Янги йил байрами ҳамда Рамазон ҳайити (Ийд ал-Фитр) ва Қурбон ҳайити (Ийд ал-Аъда) диний байрамларини нишонлаш даврида қўшимча ва қўчириш ҳисобига ишланмайдиган кунлар учун кундан кам бўлмаган муддатга белгиланади.

Ота-оналар, қариндошлар, қариялар ва устозлар билан билгиллиқ саёҳат қилишни назарда тутувчи беш иш куниндан кам бўлмаган “оилавий саёҳат таътили” тизими жорий қилинади.

2021 йил 1 мартдан Ўзбекистон фуқаролари ва Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслардан жойлаштириш воситасида, улар яшаган ҳар бир кун учун туристик (меҳмонхона) йўғим ундирилади.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ

мажбурий меҳнатга жалб қилганлик тўғрисидаги қўриқовчи жавобгарликка сабаб бўлади



Ўзбекистон Республикасининг айрим кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун (УРҚ-673-сон, 12.02.2021 й.) Президент томонидан имзоланди.
Қонун билан Жиноят кодексида киритилган қўшимчаларга қўра, 16 ёшдан 18 ёшга бўлган шахснинг 18 ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда уни мулкий манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Ушбу жиноятни содир этган шахсга 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазо-ни қўлланилиши мумкин.
Шунингдек, вояга етмаган шахсини ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятда қатнашишга ундаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Ушбу жиноятни содир этган шахсга 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазо-ни қўлланилиши мумкин.
Қонун билан Маъмурий жавобгарлик, тўғрисидаги ва Жиноят кодексларига киритилган ўзгаришларга қўра, вояга етмаган шахсини меҳнатга бирор-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаган шахс тўғрисидаги жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланди.
(Илгари маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг тақрор содир этилган тақдирда жиноий жавобгарлик белгиланган.)

Авлия вазиридининг телеграмдаги “Huquqiy axborot” канали.

ИМОМ МОТУРУДИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ

ва саккиз нафар буюк уламо қабрлари янада обод қилинади, зиёратчилар учун қулай шароитлар яратилади

сиз манзил сифатидаги имижини мустаҳкамлашга йўналтирилган вазифалар белгиланган бўлиб.

Бу ўз навбатида ички туризмининг жадал ривожланиши ҳамда фуқароларимизнинг хордиқ чиқаришларига қулай имкон яратди. Эътиборли жиҳатларидан яна бири, буюк алломаниз Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуасини зиёрат марказига айлантириш ҳамда ўзбекистондаги 8 нафар буюк уламоларнинг қабрларини тиклаш ва ободонлаштириш илмий ва халқаро туристлар оқимини кенгайтиради. Халқимизнинг йиллар давомида кутган озуларни рўёбга чиқари.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳатлари шундаки, Имом Бухорийнинг бебаҳо меросини кенг қўламада омаллаштириш ва тарғиб қилиш мақсадида хорижий тилларда “Имом Бухорий” зиёрат туризми йўлдош телеканални, хорижий мамлакатларда унинг муҳриблари фаолият олиб боришни назарда тутган ҳолда ташкил этиш ва уни ривожлантириш концепциясини яратиш вазифаси қўйилди.

Мазкур лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон халқаро ислом академияси зиммасига мамлакатимизда зиёрат туризмининг жадал ривожланишига хизмат қилувчи етуқ мутахассисларни етиштириб бериш, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш вазифаси юкланди. Сўнги йилларда юртимизда олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ Ўзбекистон “Жаҳон муслмон сайёҳлари индекси” рейтингинда 10 поғона (32-ўриндан 22-ўринга) кўтарилиб, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида муслмон сайёҳлари жалб қилаётган энг жозибадор ҳамда хавфсизлик ва бағрикенглик даражаси юқори бўлган 10 мамлакат қаторидан ўрин эгаллади. Президентимизнинг мазкур фармони зиёрат туризмининг самарали ривожлантиришининг тарихий қисми сифатида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини таъминлайди, илмий ва халқаро бозорларда рақобатбардошлиқни оширишга хизмат қилади.

Анвар ХУДОЯРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми” кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди.

МУРОЖААТНОМА

Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилятларини ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга албатта етамиз.

БИР ШИКОЯТ ИЗИДАН

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРСИЗ

халқаро бозорга мос рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариб бўлмайди

Аваллари ҳар қандай йирик корхонанинг технологик структураси режали иқтисодий шароитида шаклланиб ва бозор бошқарувига мослашмаган эди. Бугунги куннинг талаби эса бозорда сотиш имконини берувчи ишлаб чиқаришни таркибий-технологик ўзгартиришлар жараёнида амалга оширишдан иборат. Кейинги йилларда давлатимиз томонидан меҳнат бозоридagi вазият барқарорлиги ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун кўп укладли иқтисодий таъминлаш шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, хусусий тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш каби чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тахририятимизга ўтган йил охирида Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Искандар кўрғонидида жойлашган "Энергоқурилишиндустрия" унитар корхонасининг 10 нафар ишчи-ходимлари томонидан шикоят хати келиб тушган эди. Унда келтирилишича, унитар корхона 1961 йилдан буюн фаолият олиб боради ва бу ерда 1500 нафардан зиёд маҳаллий аҳоли доимий иш ўринларига эга бўлган. Худуди 10 гектардан ошми корхона 34 миң квадрат метр микродорида ишлаб чиқариш биноси ва 44 гектарлик карьерга эгалик қилади. Корхона кам, шағал ҳамда бетон плита, бордюр, лоток ва бошқа 400 хилдан ортик темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

Шикоятчилар айрим корхоналар банкортга учрагани, бошқаларда иш ўринлари қисқаргани, 2-3 ойлаб машоолинмаётгани, таниш-билишчилик бўлаётгани каби гапларни ёзишган. Урганишлар натижасига кўра, "Ўзбекидрознерго" АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари А. Джурабеков раислигида 2020 йил 4 декабрь санасида корхонада сайёр йиғилиш ўтказилган. "Энергоқурилишиндустрия" унитар корхонаси ходимлари билан муаммо ва камчиликлар борасида бафуржа гаплашилиб, юзага келган тушунмовчиликлар бартараф этилган.

Йиғилиш баёғига кўра, аризага имзо қўйган 9 нафар корхона ходими унга ўқимасдан имзо қўйганини тасдиқлаган ва тегишли тушунтириш хатларини ёзиб берган. Шикоят қилувчилар рўйхатидагилардан бири – Анвар Холматов ўз хоҳишига кўра, 2015 йилда корхонадан ишдан бўшаб кетган. Шунингдек, йиғилишда ишчи-ходимларга корхона молиявий фаолияти барқарор экани, ўтган давр мобайнида корхонани ривожлантириш мақсадида амалга оширилган ишлар юзасидан бир қатор маълумотлар берилган.

"Ўзбекидрознерго" акциядорлик жамияти томонидан корхонанинг ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш мақсадида 3,6 млрд. сўм пул маблағлари инвестиция қилинган. 3,3 млрд. сўмга махсус автотехника

харид қилиш эвазига 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 197,9 млн. сўм иқтисод қилинган. Бугун ишлаб чиқариш қозонхонаси 309 млн. сўмлик тежамкор янги энергия технологияси билан алмаштирилган ва бунинг натижасида 639,5 млн. сўм пул маблағи иқтисод қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги тегишли Фармонига мувофиқ, корхонани трансформация қилиш бўйича дастур ишлаб чиқариш ва унга асосан маҳсулот таннархини пасайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, янги иш ўринларини яратиш, логистика марказини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни рақамлаштириш, компьютер технологияларини кенг жорий этиш кераклиги кўзда тутилган.

Юқоридаги чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида янги маҳсулот турлари ишлаб чиқарилади, янги иш ўринлари яратилади, ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннархи 20 фоизга камайиб, ойлик иш ҳақи камида 30 фоизга ошади. 2021 йилда замонавий майдонларда ишлаб чиқариш турлари мажмуасини ишга тушириш мақсадида жамият томонидан 3,2 млрд. сўмлик пул маблағлари инвестиция қилинади, натижада ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошиб, йиллик 3,4 млрд. сўм иқтисодий самарадорликка эришиш имконияти яратилади. Корхонада куруқ қурилиш аралашмалари ишлаб чиқариш мажмуасини ишга тушириш орқали йилга 6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, аризалар олдинроқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қизилгул Қосимовага ҳам мурожаат қилинган. Масалани урганиш жараёнида 78 нафар ишчи-ходим шикоят хати матни билан таниш бўлмаганини тан олган. Ваҳоланки, ўша хатда "Ўзбекидрознерго" АЖ раҳбарияти ҳамда "Ўзбекидрознерго" АЖ директори шахси, кадр-қиммати ва ишчанлик оубрусига пугур етказадиган маълумотлар келтирилган эди.

Тахририятимиз мазкур шикоят бўйича "Ўзбекидрознерго" АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари



А.Джурабековнинг фикрлари билан қизқиди.

– Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги бевосита меҳнат унумдорлиги билан боғлиқ. Меҳнат унумдорлигига эса меҳнат интенсивлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнида сифат жиҳатдан яхшилаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажминини ошириш орқали эришилади, – деди у. – Корхона 1961 йилдан буюн ишлаб келади, усуналарнинг баъзилари эски, ҳозирги замон талабига жавоб бермайди, катта харажат талаб қилади.

Корхона ишчи-ходимларига буюртмалар ҳажми, микдорларидан келиб чиқиб ҳақ тўланади. Давлатимиз раҳбарининг "Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, корхоналарни замонавий технологиялар асосида кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, кичик бизнес корхоналари ва яқка тадбиркорлиқни, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш асосий масала қилиб қўйилди. Рақобатнинг кучайиши тезкор суриятларда ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этишнинг усуллари ва янги технологияларнинг жорий этишни талаб қилади. Бу эса ўз наватида маҳалла, янги технологиялар имкониятларидан фойдалана оладиган кадрлар заруратини юзага келтиради. Корхона иқтисодий самарадорлиги бозор конъюнктураси ўзгаришларига нисбатан

барқарор иш ўринларини яратиш сиёсати устувор бўлишини тақозо этади.

Тўғри, бир қанча корхоналаримиз усуналари маънавий эскиргани учун белгиланган қонун-қодалар асосида банкорт, деб эълон қилинди. Корхона тугатилганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда иш берувчи томонидан ходимга тегишли иш ҳақи Меҳнат кодексининг 110-моддасида кўрсатилган муддатларда тўланган.

Биз нимаки қилаётган бўлсак, ҳамма ҳаракатларимиз аҳолини кўшимча иш жойлари билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Агар корхонада 2017 йилда 320 нафар ишчи-ходим меҳнат қилган бўлса, 2021 йилга келиб, ишчи-ходимлар сони 397 нафарга етказилди. Мазкур кўрсаткич ҳам корхона фаолиятида ижобий силжиш кузатилаётганлигини кўрсатади. Йилдан-йилга корхона ишини янада ривожлантиришга ҳаракат қиламиз.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва халқаро бозорга мос рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Корхоналар фаолияти самарадорлиги, бозор муҳитига қай даражада мослашиши унинг рақобатбардошлигига боғлиқ. Мамлакатимизнинг ўз миллий бренди билан жаҳон бозорига чиқариш юқори техника ва технологиялар билан жиҳозланган, замон талаблари ва жаҳон андозаларига мос тарзда

фаолият олиб борадиган корхоналарни кўпайтиришни тақозо қилади. Биз буни бугун амалга оширсак, эртага кеч бўлади. Бу ёғига хулоса чиқариш сиздан...

Тўғри, ҳар бир янгилик қаршилликка учраши табиий. Кимдир янгилик моҳиятини тушунмайди, қабул қилолмайди. Кимдир ўрганган қўнғил... дегандек, янгилик унинг шахсий манфаатига мос келмаса, тан олишни истамайди. Одамларни чалғитади, шикоят ёзишни уюштиради. Кимлардир алданиб, кимлардир тушунмай, эл қатори, деб имзо чекади. Кейин бу аризани ўрганиш учун қанча одам овора бўлади. Шикоятга имзо чекувчилар ўйлашмайдики, бировга тўхмат ёки асоссиз маълумот, кимнингдир шаънига тегадиган гап учун жавобгарлик борлигини. "Ўқимасдан кўп кўйганим, фалончи айтувди, кўп кўйибман-дэ", деган баҳоналар жавобгарликдан озоэ етмайди. Шу боис, ўйлаб гапириш, қадам ташлаш лозим бўлади.

Одамларни тезлаб шикоят ёзишга даъват этаётганлар хатти-ҳаракати ўрганилса, бу "ташкilotчилик" замирида ўз шахсий манфаати ётгани маълум бўлади. Халқда ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир, деган мақол бор. Бугун замон бошқа. Асоссиз маълумот тарқатиш, кимнингдир шаънига тегадиган гап тарқатганилик учун қонунчилигимизда жазо белгиланган. Буни унутган судда жавоб беришига тўғри келади.

"Ўзбекистон овози" муҳбири Нуруллох ДОСТОН тайёрлади.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Тилсиз ёв — олов инсон ҳаёти ҳамда мол-мулкига хавф солишини ҳаммамиз биламиз. Бироқ ёнган хавфсизлиги қондаларига ҳаммиса амал қилавермаймиз. Оқибати эса хунук бўлиши мумкин. Шунинг учун оддий қондаларни яна бир марта эслатиб ўтмоқчимиз.

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Барча маъмурий масканларда, ишлаб чиқариш, оямбор ва ёрдамчи биноларнинг кўринадиган жойларда ёнган учирини хизматининг телефон рақамлари кўрсатилган йўриқнома ўрнатилиши керак.

Барча муассасаларда буйруқ (фармойиш) асосида ёнган хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган тартиб ўрнатилиши лозим. Бир вақтнинг ўзида қаватда 10 кишидан ортик одамлар бўладиган бино иншоотларда (ишаш уйларида ташқари) ёнган ҳақида хабар берадиган мослама ўрнатилиши ҳамда ёнган вақтида бинони тарқ этиш режаси ишлаб чиқилиб, кўринадиган жойга ўрнатилиши керак.

Аҳоли кўп йиғиладиган масканлар раҳбари (50 кишидан кўп) ёнган вақтида бинони тарқ этиш чизмали режаси билан биргаликда хизматчиларнинг тезда бинони тарқ этишига кўмаклашадиган йўриқнома ишлаб чиқаришлари ҳамда ишга жалб этилган барча хизматчилар иштирокида ушбу йўриқнома бўйича камида ярим йилда бир маротаба амалий машғулот ўтказишлари керак.

Тунги вақтда аҳоли кўп бўладиган масканларда (касалхоналар, болалар боғчалари, мактаб-интернатлар ва бошқалар) йўриқнома икки хил турда, кундузги ва тунги вариантда бўлиши керак. Масканларнинг ишчи-хизматчилари ҳамда фуқаролар қуйидагиларга амал қилишлари зарур.

– уйларда, хизмат жойларида амалдаги қонунларга асосан тасдиқланган ёнган хавфсизлиги қондаларида, меъёруларида, стандартларда белгиланган ёнганга қарши тартибларга риоя этишлари;

– содир бўлган ёнган ҳақида ёнган ўчириш қисмларига хабар беришлари ва илжои борича одамларни, жиҳозларини кўтариш ва ёнганни бартараф этиш чораларини кўришлари керак.

Аҳоли кўп йиғиладиган тадбирларни ўтказишга жавобгар шахслар, аввал хоналарни назоратдан ўтказиб, ёнган хавфсизлиги бўйича тайёр эканлигига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Сайидаъло УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Биносида ёнган хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш 1- бўлинмаси ёН ва ПБ мутахассиси, оддий аскар.

МЕНИНГ ТАКЛИФИМ

УЙБОШИЛАР – МАҲАЛЛАНИНГ ТАЯНЧ УСТУНЛАРИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятларда бўлиб, худудлар ривожига, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш майданида маҳалла Президент ва халқ ўртасида кўприк бўлишини, катта кучга айланишини алоҳида таъкидлаган эди. "Агар маҳалла раиси билимли, фидойи бўлса, кайфият ҳам, иқтисодий ҳам ўзгаради", деган эди давлатимиз раҳбари.

Кўприк вазифасини бажариш учун маҳалланинг таянч устунлари бўлиши лозим. Маҳалланинг таянч устунлари эса кўп қаватли уйларда уй бошлиқлари ва ерли маҳаллаларда кўча бошлиқлари ҳисобланади. Улар ўз назорати остидаги уйларда нима бўлаётгани, ҳар бир хонадондаги аҳволдан хабардор бўлади, оддий кўшничлик сўҳбатларида ёши ва жинсидан қатъи назар, фуқаролар онгига Ватанимизда бўлаётган янгиликларни ва кўшни давлатлар билан дўстона ҳамкорликларни маълум қилади, улар билан очик-часига гаплашади ва кўнглидаги мулоҳазаларни ўртоқлашади. Кўп қаватли уйларда уй бошлиқлари ва ерли маҳалла кўча

бошлиқлари ўз ишига виждонан ва садоқат билан ёндашса, кўп муаммолар бартараф этилади. Чунки улар ўзларининг назорати остидаги оилалар тинч-нотинчилигини, даромоди, харажати, қаердан нима олаётганлигини, уйларига кимлар келиб кетишини, фарзандлар хулқ-атвори, уларнинг нима иш қилаётгани, қаерда ишлаши, қаерга бориши ва қачон қайтишини, умумий шароитини маҳалла фуқаролар йиғини раисидан кўпроқ билади, англайди, кўради ва гувоҳ бўлади.

Сўзимнинг исботи сифатида бир мисол келтирайман. Агар МФЙида жами 36 та кўп қаватли уй, ҳар бир кўп қаватли уйда ўртача 50 тадан хонадон (1800 та хонадон) бўлса, МФЙ раиси ҳар куни улар билан мулоқот қилолмайди, ҳар бир кўп қаватли уйга бориб оилалардан хабар ололмайди. Бунга унинг вақти ҳам, имконияти ҳам етмайди.

Ерли маҳаллаларда ўртача 42 тадан кўча бор, деб ҳисоблайлади. Ҳар бир кўчада 38 тадан ховли бўлса, кўчанинг узунлиги 285 метрни ташкил этади. Кўчанинг чап ва ўнг томонида 19 тадан ховли бўлганда ҳам (1596 та ховли) ҳар бир ховлига бориб, сўҳбат ўтказишга маҳалла раисининг вақти ҳам, имконияти ҳам бўлмайди.

Менинг таклифим шундан иборатки, кўп қаватли уй ва ерли маҳалла кўча бошлиқларининг ҳар куни ҳар бир хонадондан имкон даражада хабардор бўлиб, маълумотлар олиб туриш имкониятлари мавжуд, деб ҳисоблайман. Қуйидаги маълумотларни билиш муҳим аҳамиятга эга:

1. Оиллада кимлар яшайди? Эр-хотин, ота-она, фарзандлари ва қариндошлари кимлар?
2. Оиллада кимлар ишчи?
3. Оилладаги муҳит қандай?
4. Оиланинг кўни-кўшинлар билан муносабатлари соғломми-йўқми?
5. Оила бой ёки камбағал, ўртаҳолми, қандай етишмовчиликлар бор?
6. Оиланинг вояга етган ёки етма-

ган фарзандлари сони қанча? Улардан қанчаси ўқийди, ишлайди ёки вақтинча ишсиз?

7. Оиланинг топиш-тутиши қандай, кўшимча даромадлари борми-йўқми, неча киши ишлайди?

8. Ерли маҳаллада ва кўп қаватли уйларда вақтинча бўш турган уй ва хонадонлар қанча?

9. Уй эгаси вақтинча яшамаётган, бўш турган уйларда кимлар яшамоқда, вақтинча рўйхатга қўйилгани?

10. Ерли маҳаллада ва кўп қаватли уйлардаги одамлар сони қанча?

11. Уй бошлиқлари оилаларнинг тўйма-рақаларида, ҳар хил тадбирларда қатнашади ва барча ишлардан хабардор бўлади.

12. Қайси оила фирибгарлик ёки жиноятчиликка мойил?

13. Уй бошлиқлари худудда тозаликдан хабардорми, кўп қаватли уйлардаги ертўла, уй усти қопламалари, иссиқ-совуқ кувурлар ҳолати бўйича камчиликларни биладилми?

14. Уй бошлиқлари яққа-ёлғиз қариялар, ногиронлар ва кекса ёшли қариялардан хабар олиб турадилми?

15. Уюшмаган ёшларни иш билан таъминлаш ва улар тарбияси билан шуғулланишимиз?

Уй бошлиқлари вазифасига ҳар бир ерли маҳалладан ва кўп қаватли уйлардан танлов асосида ўз ишига маъсуллик ва виждонан ёндашадиган инсон танланса, ўз-ўзини назорат қилиш функцияси ишга тушади ва кўпгина кўзга кўринмас муаммолар ҳал бўлади.

Агар уй бошлиқлари, МФЙ раислари муносиб кишилар бўлса, аҳолининг муаммолари ўз вақтида ечим топилади.

Шаҳриддин ҒАНИЕВ,
Тошкент молия институти доценти.

МУНОСАБАТ

ЁШЛАР ТАҚДИРИ — МАМЛАКАТ ТАҚДИРИ

Давлатимиз раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги нўтқида билдирилган фикрлар, қўйилган вазифалар ҳаммамизни огоҳ ва хушёрликка чорлаши керак, деб ўйлайман.

Мамлакатимизда фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар маънавий, ахлоқий жиҳатдан етук инсон бўлиб камол топишлари учун барча зарур шароитлар яратилапти. Ана шундай эътибор, меҳрибонликка жавобан фарзандларимиз ҳам ижтимоий ҳаётда ўз ўрни, мавқеига эга бўлиб, билим ва иқтидорларини ишга солиб, ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланишмоқда. Ёшлар тақдирини – мамлакат тақдирини экан, бундай маъсулиятни ишга бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ, албатта.

Инсон ҳаётида никоҳ муқаддас саналади. Шунинг учун ҳам аждодларимиз бу масалага жиддий эътибор қаратишган. Бугунги кунда ёшларнинг бевосита никоҳ муносабатларига киришуви билан боғлиқ масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда. Жумладан, никоҳ ёшига етмаган эваз билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига кириш, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёки уйлантириш, никоҳ ёшига етмаган шахслар билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширишда қўнғунбўзилишга йўл қўймаслик лозим. Албатта, никоҳ муносабатлари билан боғлиқ ҳуқуқий билим ва маданият аҳоли ўртасида кенг тарғиб этилса, қўзланган мақсадга эришилади. Шунингдек, вояга етмаганларнинг ўқиш ва яшаш жойларида тарбиявий ишлар аҳолининг ўрганишига алоҳида ёндашишни, таълим муассасаларида машғулотларга сабабсиз келмаётган, мунтазам қатнашмаётган болаларни аниқлаш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, улар ўртақда назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида мутасадди идораларнинг маъсулиятини оширишга қаратилган чоралар кўриш ҳаётий заруриятга айланади.

Мақсадимиз фарзандларимизни келажак учун керакли инсонлар этиб тарбиялашдан иборат. Зеро, келажакда Ўзбекистон оюксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан жаҳонни қойил қолдириши лозим. Бунга эса мамлакатимизда барча имкониятлар етарли. Албатта, болаларнинг соғлом камол топишида нафақат давлат гаможўрлиги, балки ота-оналарнинг ҳам ўз фарзандлари олдидаги мажбуриятини бажариши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандлари олдидаги мажбуриятини англаб етиши ва шу аснода жамиятнинг мустаҳкам пойдеворини яратиш ҳар бир инсоннинг асосий мақсади ва мажбурияти бўлиб қолиши лозим.

Баркамол инсонга хос бўлган фазилятлардан бири бу – юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш ҳамдир. Ҳуқуқий маданиятга бўлиш учун фақат қонун нормаларининггина билиш кифаяти қилмайди, балки энг асосийси қонун талабларини бажариши, уларга ҳурмат билан қарашни, қонун олдида ўз бурчинини ҳис қилиб яшаши лозим. Бироқ ёшлар ва вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ҳар биримизни жиддий уйлантиради. Статистика маълумотларга назар солсак, 2020 йилнинг 9 ойида Тошкент шаҳрида ёшлар томонидан ўғирлик, фирибгарлик ва гёбхандлик воситалари ва психотроп моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятлари энг кўп содир этилган жиноятлардир. Судланган ёшларнинг 518 нафарига нисбатан жазо тайинлашда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий қамайтирувчи ҳолатлар эътиборга олиниб, қонунда назарда тутилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки моддада назарда тутилган бошқа энгилроқ турдаги жазолар тайинланган. Ёшларнинг ҳуқуқий билими етарли эмаслиги ҳам турли ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, юртнинг эртанги истиқболи қандай бўлиши унда камол топаётган фарзандлар тарбиясида боғлиқ. Зеро, яхши тарбияга нурафшон келажакка хизмат қилади.

Шерзод ЭШМАТОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг судьяси.

МУРОЖААТНОМА

Марказий телеканалларимизда намоёиш этилаётган "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи" кўрсатуви сони кўпайтирилиб, мазмунан бойитилса, шунингдек, "Нуронийлар маслаҳати", "Маҳаллада гурунг" каби янги кўрсатувлар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Янги китоблар

ОЙБЕКНИНГ "НАВОИЙ" РОМАНИ ҚАЙТА ЧОП ЭТИЛДИ

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижод уйи томонидан бир қатор янги китоблар чоп этилди



кўраётган оғир дамлар. Ана шундай таҳликали, машаққатли даврда ўзбек адабиётида Навоий образи яратилди. Атоқли ўзғувчи Ойбекнинг "Навоий" романи чоп этилди.

Иккинчи жаҳон урушининг сурунли йиллари. Ўзбекистон фронт ортида галабага ҳисса қўшиш учун фидокорона меҳнат қилаётган, уруш кетаётган жойлардан кўчириб келтирилганларга ўз уйдан бошла-на бериб, бир бурда нонини баҳам

Л.Н. Толстой. "УРУШ ВА ТИНЧЛИК"

Ўзгичанинг мақсади аслида уруш мавзусида ёзиб, китобхонни қайта баҳолаш эмас, албатта. Унинг фожиясини кўрсатиш орқали китобхонда шайтан туйғусини уйғотиш, кучайтиришдир. Рус классик ёзувчиси, тенгсиз истеъдод ва ақл соҳибига Лев Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" эпопеяси жаҳон адабиётининг ноёб дурдонасиди, бир неча авлод бу асарни ўқишдан тўхтамайди. Қўлдан кўймай ўқийди, адиб маҳоратига таҳсин айтади.

Баҳром Акбаров. "ҒАЛАТИ СИНОВ"

Болалар учун асарлар ёзишга ҳар қандай ижодкор ҳам жазм қилолмайди. Чунки уларни бирор нарсага ишонтириш имкониятида мушкул. Танлиқли ўзғувчи ва шоирларимиз айтишганидай, болаларга бола бўлиб ёзиш керак. Бу борада уларнинг сеvimли шоири Баҳром Акбаровнинг омади чопган. Кўп-лаб жажжи китобхонларимизнинг китоб жавониди шоирнинг асарларига алоҳида жой ажратилгани рости.



кизиқмаган бола бўлмаса керак. "Ғалати синов"да табиат манзаралари турли рангларда тасвирланган. Айниқса, ундаги эртақларнинг турфа хил феъл-атворга эга қаҳрамонлари Ватанга муҳаббат, она заминни эъзозлашга ундаши билан ниҳоятда қадрлидир.

Баҳодир Умурзоқов. "УМР ГУЛШАНИ"

Олимларнинг айтишига қараганда, битта мия сифирадиган хотирани компьютер хотирасига сифирадиб бўлмайди. Ҳаётимизда содир бўлган воқеалар, қиёфалар, ҳолатлар борки, улар кўз олдимиздан кинотасма каби бирма-бир ўтаверади. Бу бир тилла сандиқи, унинг ичида дурру жавоҳиротлар беҳисоб.

Ўз муҳбиримиз.

Мулоҳаза

"ОТАЛАР ЧОЙХОНАСИ" НЕГА КАМ?

Давлатимиз раҳбари сўнги йилларда маҳаллага янада катта эътибор қаратмоқда. Барча бўғиндаги раҳбарларга "маҳаллабай" ишлаш лозимлигини таъкидлади ва халқ билан мулоқот қилиш зарурлигини тинимсиз ўқитиб келяпти. "Маҳалла – жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси", "Нуроний отахон ва онахонларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз ҳам қарз, ҳам фарз" деган сийбятни илғари сурмоқда.

Маҳаллаларда бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари жадал суръатлар билан амалга ошириляпти. Янги маҳалла бинолари, гузарлари жуда кўркам кўринишга эга ҳолда қад ростламоқда, у ерда кутубхоналар ҳам ташкил этиляпти. "Оталар сўзи, ақлнинг кўзи" телекўрсатувининг ёри сонини ошириш, шунингдек, маънавият, маърифат ва тарбияга алоҳида эътибор қаратиш устувор вазифага айланди. Шундай экан, маҳалланинг устуни ким, деган савол туғилди.

Болалик чоғимда Ўзбекистон халқ артисти, хонанда Фаррух Зокировнинг "Чойхона" кўшигини сеvim тинглардим, "чой, хона-хона чой", деган сўзларига ҳатто қўшилиб жўр бўлардим ҳам. Лекин ушбу кўшиқнинг уша пайтлар мағзини қақмаган эканман. Орадан йиллар ўтиб, хонанданинг телеканалларнинг бирда берган интервьюсини кўриб қолдим.

Бугунги кунга келиб ўша "Оталар чойхоналари", ёшларга маъноли, йиллар тажрибаси ва билими билан йўғирилган доно ўнгитларини, насиҳатларини ўқитиб ўтирадиган ошёнлар йўқ бўлиб кетганига ачинаман. Кўп қаватли уяларнинг ён атрофларини ободонлаштириш доирасида спорт майдончаларининг бир қисмида ўша "Оталар чойхоналарини" янги ҳолда тикласак, уларни кўп қаватли уяларга масъул бўлган бошқарув компанияларга бириктириб, маълум бир миқдорда бадал пулларини тўлаб, яхши ҳолда сақлашни, коммуникациялар, санитария-гиена меъёрларига риоя қилинишни ушбу ширкатлар ва бошқарув компанияларга топширсак. Ёки давлат-хусусий шериклик шартларида ушбу масканини ташкил қилсак.

Пенсияга чиққан, иссиқ кунларда салқин ҳаво олиш илинжиди ҳар қаерда юрган нуроний отахонларимиз яна бир дўстлари билан чойхонада турли тадбирларни уюштириб турадилар. Бир



жюриш-туришидан хабардор, "маҳалла виждонлари" бўлиб ўтиришса қандай яхши иш бўларди. Қари-ю ёшга, барчага кони фойда бўлармики...

Табиийки, ёш ўтгани сари кишида тоза ҳаво, табиат ва сўхбатга ташналик ортади, аммо кексаларимизнинг маданий кўринишда ҳордиқ чикариши учун аксарият кўп қаватли уялар олдида ҳеч қандай шариот йўқ. Уйимизнинг орқасида оталаримиз ўзлари қўлбола қилиб бир айвон ва бир учоқ кўриб олишган, ёз кунлари шу ерда чақнақлашиб ўтиришади.

Тўғри, кишига ортиқча нима ҳам керак, бир қозон-учоқ ва тўртта ўриндиқ бўлса етарли. Ассосийси, сўхбатдошлар даврини қизитади-да, деймизи. Инсон доим сўхбатга, даврага, ширин сўзга интилади. Бунинг биз айнақса, карантин даврида жуда чучук англаб етдик. Бироқ, у ерда санитария-гиена шароитлари, сансуэл нуқталари бўлиши керак, албатта. Гап маданий ва қўлай шарт-шароитлар ҳақида кетаяпти.

Ўзбек халқи жуда меҳнатсевар, танти, олижаноб ва меҳмондўст халқ, бу фазилатлар асрлар мобайнида шаклланиб келган. Инсон учун энг оғир синов эса – ёлғизлик. Пенсияга чиққан отахонларимиз учун ҳам бир мўъжазгина шариот яратиш, уяларимиз ёнида янги ва замонавий кўринишга эга ёзги айвонлар ташкил қилсак, улар ҳам ўз хонадонларида

сиқилиб ўтирмай шу ораста, замонавий чойхоналарда вақтларини мазмунли ўтказармидилар...

Ҳеч кимга сир эмас, кўп ҳолларда отахонларимиз келинларидан уялиб, ўзларини кўярга жой тополмайди. Кимдандир ҳовли-жой бор, кимдир кўп қаватли уйда яшайди, кимнингдир умр йўлдоши ҳаёт, кимдир кексаликда ёлғизлик қолган. Кўп ҳолларда ёлғизлик исмига, хизматга кетганда отахонлар келин билан кун буйи ўтиришга хижолат тартади. Шу боис, набираларини олиб, уй атрофида айланиб юриди. Айни шундай ҳолатлар учун кўп қаватли уялар олдида ёзги айвонлар, ёнгилик конструкциялар ёрдамида, гиена талабларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий, ихчам чойхоналар, уяларнинг ичида кутубхона, ўша шахмат ва шашка ўйнайдиган қўлай жойлар ташкил этилса, ёнгинасида спорт майдончаси бўлса, у ерда болалар ҳам, отахонлар ҳам спорт билан шугулланиши учун имконият яратиларди. "Оталар чойхонаси"ни ҳордиқ, маданий ва тарбия масканига айлантирсак. Ҳам соғлиқ, бир пиёла чой, мазмунли сўхбат, тарбия ҳамда ўғит. Тараққиёт ва асрий аъналар уйғун ҳолда ёнма-ён жой олса, мўйсафид отахонларимиздан қанда дуо олган бўларди.

Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ, журналист.



Яхши феъл билан одамлар кўнглини олиб, ўзининг ёмон қилиқлардан сақлаб яша.

Аҳмад Югнакий

Халқни бошқариш шарафига эришсанг, амалда ва сўзда фақат эзгулик қилгин.

Юсуф Хос Ҳожиб

Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларнинг эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату иқром кўрсатдим.

Амир Темур

Яхшилик томонда бўлгин. У жуда серҳосил водийдир.

Маҳмуд Замахшарий.

Яхши ва ёмон хулқнинг ҳаммаси шариот, тарбия, одатланиш натижасида вуҷудга келади. Яхши хулққа ҳам одат туфайли эришилади.

Абу Али ибн Сино.

Сеvimли нарсаларга машаққат билан, яхшиликка эса ўзингга сеvimли бўлган нарсаларни (бировага) сарф қилиш билан эришилади.

Абу Райҳон Беруний.

РЕКЛАМА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОҢЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОҒОҲЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиригичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузаптич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилеят бўлимчаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

- Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.
- Андижон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.
- Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.
- Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.
- Нукус шаҳри, Ерназар Алақўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.
- Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.
- Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.
- Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
- Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.
- Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.
- Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.
- Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.
- Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.